

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

3-4-сон  
(79-80)  
2023 йил

*«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.*

*В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2018 года № ПП–3666 «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.*

## МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

### ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йил 3 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақида Баённома (Бишкек, 2023 йил 27 январь) .....	4
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Словения Республикаси Ҳукумати ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Битим (Тошкент, 2023 йил 8 февраль) .....	8
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Греция	

Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисида Баённома (Нью-Йорк, 2023 йил 18 сентябрь) .....	12
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Чехия Республикаси Ҳукумати ўртасида кенгайтирилган ҳамкорликни ўрнатиш тўғрисида Қўшма декларация (Прага, 2023 йил 10 октябрь) .....	14
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (Пекин, 2023 йил 17 октябрь) .....	19
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о сотрудничестве в сфере развития возобновляемых источников энергии (Пекин, 17 октября 2023 г.) .....	23
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида «Самарқанд Француз Аянси»ни таъсис этиш ва унинг фаолияти шартлари тўғрисида Битим (Самарқанд, 2023 йил 2 ноябрь) .....	27
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Франция Республикаси Европа ва ташқи ишлар вазирлиги ўртасида дипломатик кадрлар тайёрлаш тўғрисида Аҳдлашув декларацияси (Самарқанд, 2023 йил 2 ноябрь) .....	32
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасида Ўзбекистоннинг археологик ва этнологик материаллари тоифаларига импорт чекловларини жорий этиш тўғрисида Битим (2023 йил 7 ноябрь, Тошкент) .....	33
Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисида Шартнома (Нур-Султон, 2021 йил 6 декабрь) .....	36
Договор между Республикой Узбекистан и Республикой Казахстан о передаче лиц, осужденных к лишению свободы, для дальнейшего отбывания наказания (Нур-Султан, 6 декабря 2021 г.) .....	45
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида энергия ресурсларини ўзбек-қозоқ божхона чегарасидан қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали олиб ўтишни биргаликда божхона назоратидан ўтказиш тўғрисида Битим (2021 йил 6 декабрь, Нур-Султон) .....	54
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о совместном таможенном конт-	

роле при перемещении энергоресурсов через узбекско-казахстанскую таможенную границу трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи (Нур-Султан, 6 декабря 2021 г.) .....	60
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида иқлим ўзгариши бўйича ҳамкорлик тўғрисида Ҳадли битим (Тошкент, 2023 йил 1 июнь) .....	66

## ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон  
Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йил 3 октябрда  
имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг  
ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги битимга  
ўзгартиришлар киритиш ҳақида  
БАЁННОМА**

*Бишкек, 2023 йил 27 январь*

*(Мазкур Баённома Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 26 апрелда «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги  
ПҚ–134-сон қарори билан тасдиқланган)*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 25 августдан  
кучга кирган)*

Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар, икки давлат фуқароларининг ўзаро келиб-кетишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида,

2006 йил 3 октябрда имзоланган Қирғизистон Республикаси Ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида Битимнинг (кейинги ўринларда — Битим) 4 ва 13-моддаларига асосланиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

### **1-модда**

Битимга қуйидаги ўзгартириш киритилсин:

Битимнинг 1 ва 2-иловалари мазкур Баённоманинг 1 ва 2-иловалари билан алмаштирилсин.

### **2-модда**

Мазкур Баённома Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Битимнинг 16-моддасида кўрсатилган тартибда кучга киради ҳамда Битим билан бир пайтда ўз кучини йўқотади.

Бишкек шаҳрида 2023 йил 27 январда ҳар бири ўзбек, қирғиз ва рус

тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Баённома қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

2006 йил 3 октябрда имзоланган  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўрта-  
сида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари  
тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш  
хақидаги Баённомага  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қирғизистон  
Республикаси ҳудудига киришлари, ундан чиқишлари,  
транзит ўтишлари, ҳаракатланишлари ва унда бўлиб  
туришлари учун ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик дипломатик паспорти.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаш жойига эга мақомидаги фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти (2030 йилнинг 31 декабрига қадар);
4. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси\*.
5. Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун гувоҳнома.

*Изоҳ:*

\* *Мазкур рўйхатнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб, Қирғизистон Республикасига кириш ҳамда Қирғизистон Республикасидан чиқиб, Ўзбекистон Республикасига кириш учун фойдаланилади.*

2006 йил 3 октябрда имзоланган  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўрта-  
сида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари  
тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш  
хақидаги Баённомага  
2-ИЛОВА

**Қирғизистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон  
Республикаси ҳудудига киришлари, ундан чиқишлари,  
транзит ўтишлари, ҳаракатланишлари ва унда бўлиб  
туришлари учун ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Қирғизистон Республикасининг дипломатик паспорти.
2. Қирғизистон Республикасининг хизмат паспорти.
3. Қирғизистон Республикаси фуқаросининг паспорти (ID-картаси)\*.
4. Қирғизистон Республикаси фуқаросининг умумий фуқаролик пас-  
порти.
5. Қирғизистон Республикасига қайтиш учун гувоҳнома.

*Изоҳ:*

*\* Мазкур рўйхатнинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжат Қирғизистон Республикаси фуқаролари томонидан Қирғизистон Республикасидан чиқиб, Ўзбекистон Республикасига кириш ҳамда Ўзбекистон Республи-  
касидан чиқиб, Қирғизистон Республикасига кириш учун фойдаланилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Словения  
Республикаси Ҳукумати ўртасида иқтисодий  
ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ**

*Тошкент, 2023 йил 8 февраль*

*(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 июлдаги  
«Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-213-сон  
қарори билан тасдиқланган)*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 26 августдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Словения Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

Аҳдлашувчи Томонлар давлатлари ва халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни эътироф этган ҳолда,

тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаролик тамойиллари асосида ўзаро қизиқиш уйғотувчи соҳаларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни истаб,

савдони кенгайтириш ва алоқаларини янада мустаҳкамлаш истагида, айниқса икки томонлама савдони, иқтисодий алоқаларни ва узвий ҳамкорликни рағбатлантириш орқали юзага келадиган ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда,

ўз давлатларининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни инобатга олган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўз давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ ва халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларини ҳисобга олиб, ўзаро қизиқиш ва манфаат касб этувчи барча соҳаларда ҳамда максимал даражада кенг кўламда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун бутун кучини ишга соладилар.

2. Мазкур Битим доирасида амалга ошириладиган ҳамкорлик қуйидагиларни назарда тутаяди:

икки томонлама иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш;

икки томонлама иқтисодий алоқаларни кучайтириш, хусусан, савдо айланмасини ошириш орқали ҳамда инвестициялар, инновациялар ва иқтисодий тадбирларни ташкил этиш соҳаларида;

транспорт инфраструктурасини ривожлантириш;

минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш.



**2-модда**

Аҳдлашувчи Томонлар қуйидаги йўллар орқали иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида қулай шарт-шароитлар яратишга интилади-лар:

Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида ҳамкорликни, жумладан, енгил саноат, кимё саноати, фармацевтика, энергетика, қора ва рангли металлургия, машинасозлик, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби саноат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш;

иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича идоралар ўртасида ишга алоқадор иқтисодий ахборотлар билан ҳамда иш юзасидан контактлар билан алмашишга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш;

ўзаро манфаатли соҳаларда қўшма ишлаб чиқаришни рағбатлантириш; сертификатлаштириш ва стандартлаштиришда фундаментал ўзаро ҳамкорлик;

ярмаркалар, кўргазмалар, симпозиумлар ва шу каби тадбирларни ташкил этишда бир-бирига кўмаклашиш;

икки томонлама иқтисодий алоқаларда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иштирокини рағбатлантириш;

товарлар ва хизматлар билан савдо қилишда ҳамда саноат, инфраструктура, телекоммуникация, транспорт ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш;

туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш.

**3-модда**

1. Аҳдлашувчи Томонлар иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Словен Қўшма Комиссияни ташкил этадилар (кейинги ўринларда «Қўшма комиссия» деб аталади).

2. Қўшма комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

мазкур Битим доирасида ҳамкорликни мониторинг қилиш;

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ҳамкорлик соҳаларини аниқлаш ва мазкур масала юзасидан таклифлар тайёрлаш;

товар айланмаси ҳажмларини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш бўйича келишилган чоралар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

икки мамлакат корхоналари ўртаси иқтисодий ҳамкорлик шартларини яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

ўзаро манфаат касб этувчи ахборотлар билан, жумладан, қонунчилик ва иқтисодий дастурлар билан алмашиш;

транспорт ва транзит соҳаларида ўзаро келишилган сиёсат олиб бориш, халқаро транспорт коммуникациялари ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш;

Аҳдлашувчи Томонларнинг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича чоралар кўриш; мазкур Битим қоидаларини амалга оширилиши ва талқин этилиши билан боғлиқ низоли масалаларни муҳокама қилиш.

#### 4-модда

Қўшма комиссия Аҳдлашувчи Томонларнинг вакилларидан иборат бўлади ва зарур ҳолларда унинг йиғилишларига ишбилармон доира вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

#### 5-модда

1. Қўшма комиссия йиғилишлари бир йилда бир марта ёки Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг илтимосига мувофиқ навбати билан Ўзбекистон Республикаси ва Словения Республикасида ўтказилади.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ташаббусига мувофиқ Қўшма комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилиши ёки Қўшма комиссия раисларининг учрашуви ташкил этилиши мумкин.

3. Қўшма комиссия йиғилишлари вақти ва кун тартиби Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида аввалдан келишилади.

4. Қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томон Қўшма комиссия йиғилишининг баённомасини тузади ва мазкур баённома учрашув якунида икки делегация раҳбарлари томонидан имзоланади.

#### 6-модда

1. Мазкур Битимнинг қоидалари Аҳдлашувчи Томонларнинг давлатлари иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаган ҳолда қўлланилади.

2. Мазкур Битимнинг қоидалари Словения Республикасининг Европа Иттифоқидаги аъзолигидан келиб чиқадиган мажбуриятларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

3. Мазкур Битим, бир томондан, Европа Иттифоқи ва унинг аъзо давлатлари ва иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга таъсир этмаган ҳолда қўлланилади.

#### 7-модда

Мазкур Битимнинг қоидаларини қўлланилиши ва талқин қилиниши билан боғлиқ ҳар қандай низолар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

#### 8-модда

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон миллий хавфсизлик, жамоат тартиби ёки

соғлиқни сақлаш нуқтаи назаридан Битимнинг амал қилишини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиши мумкин. Бошқа Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида дипломатик каналлар орқали бундай чора қўлланилишидан камида 72 соат олдин хабардор қилинади.

### 9-модда

1. Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан Битим кучга кириши учун зарур бўлган барча давлат ички ҳуқуқий процедуралар бажарилганлиги тўғрисидаги сўнгги ёзма хабарнома олингандан сўнг ўттизинчи (30) кунда кучга киради.

2. Мазкур Битим уч (3) йил давомида амал қилади ва Аҳдлашувчи Томонлардан бири унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида белгиланган муддатдан олти (6) ой аввал бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма хабардор қилмаса, ўз-ўзидан кейинги бир (1) йиллик муддатларга узаяверади.

3. Мазкур Битимга Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро келишувига кўра унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Битим қоидаларига мувофиқ кучга кирадиган алоҳида баённомалар орқали ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Тошкент шаҳрида 2023 йил 8 февраль санасида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, словен ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор кучга эга.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан  
Греция Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида  
ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисида  
БАЁННОМА**

*Нью-Йорк, 2023 йил 18 сентябрь*

*(2023 йил 18 октябрдан кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан  
давлат реестрида 2023 йил 14 ноябрда 4532-FR-2023-Н тартиб  
рақами билан рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Греция Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, кейинги ўринларда «Имзолувчилар» деб ата-  
лувчилар,

Имзолувчилар давлатлари ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлаш ва янада  
чуқурлаштириш ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликни кенгайтириш истагида,

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларини  
тан олган ҳолда,

Икки томонлама муносабатлардаги ўзаро манфаатли масалалар, шунинг-  
дек, минтақавий ва халқаро масалалар бўйича турли даражаларда Имзолув-  
чилар ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш ўзаро манфаатли эканини  
тан олган ҳолда,

**қуйидаги англашувларга эришдилар:**

### **1-параграф**

Мазкур Протоколнинг мақсади Имзолувчилар ўртасида ўзларининг дав-  
латлари манфаатларини йўлида ҳамкорлик соҳаларини ривожлантириш ва  
соҳаларни янада очиш учун умумий асосни таъминлаш ҳисобланади.

### **2-параграф**

Мазкур Протокол доирасида имзолувчилар икки томонлама муносабат-  
ларнинг барча жиҳатлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий  
ва глобал муаммолар бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар ва фикр алмашиш-  
ларини ташкил қилади.

Имзолувчилар томонидан ўтказиладиган маслаҳатлашувлар қуйидаги  
соҳаларни ўз ичига олиши мумкин, лекин улар билан чекланмайди: сиёсий  
муносабатлар, савдо, инвестициялар, молия, хавфсизлик ва мудофаа, ривож-  
ланиш соҳасидаги ҳамкорлик, маданият, фан ва таълим, атроф-муҳит ма-  
салалари, халқаро ҳуқуқ масалалари, консуллик масалалари. ва имзолаган  
томонларнинг матбуот хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳ.к.

Маслаҳатлашувлар навбатма-навбат Ўзбекистон Республикаси ва Греция  
Республикасида, зарурат бўлганда эса халқаро ташкилотлар ва форумларда

ўтказилади. Иштирокчилар даражаси, кун тартиби, маслаҳатлашувлар вақти ва жойи Имзоловчилар томонидан келишиб олинади дипломатик каналлар орқали.

### **3-параграф**

Имзоловчилар ўзларининг тегишли дипломатик хизматларининг иши ва сиёсати бўйича ўзаро билим ва тушунишни ошириш мақсадида ноу-хау ва илғор тажриба алмашиш орқали умумий манфаатдор мавзулар бўйича дипломатик кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишни кўриб чиқадилар.

### **4-параграф**

Мазкур Протоколга исталган вақтда Имзоловчи Томонларнинг ўзаро ёзма розилиги билан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

### **5-параграф**

Мазкур Протоколни талқин қилиш ёки амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчиликлар Имзоловчи Томонлар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали дўстона ҳал қилинади.

### **6-параграф**

Мазкур Протокол имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Имзоловчилардан бири бошқа Имзоловчига дипломатик каналлар орқали 90 (тўқсон) кун олдин унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ёзма хабарнома юбориб, унинг амал қилишини тугатмагунга қадар амал қилади.

Мазкур Протокол кучга кирган кундан бошлаб 1997 йил 1 апрелда Афина шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Греция Ташқи ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Протоколни алмаштиради.

Нью-Йорк шаҳрида 2023 йил 18 сентябрда ҳар бири инглиз тилида икки асл нусхада тузилди.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Чехия  
Республикаси Ҳукумати ўртасида кенгайтирилган  
ҳамкорликни ўрнатиш тўғрисида  
ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ**

*Прага, 2023 йил 10 октябрь*

*(2023 йил 10 октябрдан кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан  
давлат реестрида 2023 йил 14 ноябрда 4532-FR-2023-Н тартиб  
рақами билан рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Чехия Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар),

Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида ривожланган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни катта мамнуният билан қайд этиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида белгиланган тамойилларга, шунингдек, демократия, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари қадриятларига қатъий содиқлигини тасдиқлаб;

Халқаро тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишга ҳисса қўшишда ўз роли ва масъулиятини англаб;

Сиёсий мулоқотни давом эттириш ва икки томонлама савдо ва инвестицияларни чуқурлаштириш, шунингдек, ўзаро манфаатдор бўлган турли соҳаларда одамлар ўртасидаги алмашинув ва соҳавий ҳамкорлик салоҳиятини ривожлантириш ва рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини алоҳида эътироф этиб;

1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ва уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим доирасида эришилган юқори натижаларни инобатга олиб;

Ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қарор қилиб;

Томонлар икки томонлама муносабатларни кенгайтирилган ҳамкорлик даражасига кўтаришга келишиб олдилар ва қуйидагиларни эълон қилдилар:

**Сиёсий ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик**

1. Томонлар Кенгайтирилган ҳамкорликни амалга оширишга қаратилган сиёсий мулоқотни фаоллаштирадилар.

2. Иккала Томон ҳам юқори даражаларда, хусусан, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро манфаатли масалалар бўйича икки томонлама алмашувлар ва маслаҳатлашувларни янада мунтазам ўтказишга ҳаракат қилдилар.

3. Томонлар мулоқотнинг аҳамияти ва ролини қайд этиб, икки мамлакат делегацияларининг ўзаро ташрифларини фаоллаштиришга, шунингдек, икки томонлама парламентлараро муносабатларни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга тайёр эканликларини билдирадilar.

4. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Чехия Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2018 йил 21 майда Тошкент шаҳрида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга асосланиб, мудофаа соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истагини билдирадilar. Улар, шунингдек, ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини, жумладан, мудофаа саноати кооперацияси соҳасидаги имкониятларни ўрганадилар.

5. Томонлар амалдаги икки томонлама шартнома базаси юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказишни ва уни келгусида ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқиш истагини билдирадilar.

### **Иқтисодий ҳамкорлик**

6. Томонлар ўзаро манфаатли савдо ва сармояларни барқарор ошириш ва ривожлантиришга кўмаклашишда ҳамкорлик қилишга тайёрликларини билдирадilar.

7. Ҳар икки Томон ҳам ўз ваколатхоналари ўртасида савдо ва сармоя, ўзаро манфаатли алоқадор соҳалар, ишбилармонлик ҳамкорлик, макро-иқтисодий сиёсат ва тенденциялар бўйича мулоқотни кенгайтириш истагини билдирадilar. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Чехия Республикаси Ҳукумати ўртасида 2004 йил 28 июнда Тошкентда имзоланган иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга мувофиқ ташкил этилган Иқтисодий, саноат, илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Чехия қўшма ҳукуматлараро комиссияси алоҳида рол ўйнайди.

8. Томонлар Ўзбекистондан Европа Иттифоқига экспорт қилиш имкониятини берувчи GSP+ имтиёзли тизимнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва кўламини кенгайтириш истагини билдирадilar. Томонлар, шунингдек, Чехия Республикасидан Ўзбекистонга асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар етказиб бериш ҳажмини янада ошириш учун шарт-шароит яратиш истагини билдирадilar.

9. Иккала Томон ҳам тегишли вазирликлар ва уларнинг идоралари ўртасида савдо, сармоя ёки туризмни ривожлантиришга хизмат қилувчи алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга ҳисса қўшадилар.

10. Иккала Томон ҳам бир-бирининг ҳудудларига, жумладан, инфратузилма, энергетика (хусусан, қайта тикланувчи манбалар) ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига сармоя киритишни янада рағбатлантирадilar ва осонлаштирадilar.

11. Иккала Томон ҳам кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, қўшма корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш ва турли соҳалардаги тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни оширишни давом эттирадilar.

12. Томонлар, жумладан, тоғ-кон саноати ва хом ашёни қайта ишлаш, энергетика, саноат кооперацияси, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида шериклик ва ҳамкорлик бўйича мунтазам мулоқот ўтказишни қўллаб-қувватлайдилар.

13. Иккала Томон ҳам тоза ва экологик барқарор технологияларни ишлаб чиқариш, узатиш ва тарқатишни қўллаб-қувватлайдилар.

14. Энергетика секторининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун стратегик аҳамиятини эътироф этган ҳолда, Томонлар анъанавий ва қайта тикланувчи энергия ҳамда энергия самарадорлиги соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш истагини билдирадилар. Ўзбекистон томони Чехия энергетика компанияларини электр станциялари қурилиши лойиҳаларида, жумладан қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида иштирок этишга таклиф қилади.

15. Иккала Томон ҳам Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқ стандартлаштириш, метрология ва синов соҳаларида ҳамкорликни давом эттирадилар ва кенгайтирадилар.

16. Иккала Томон ҳам асосий эътиборни тегишли институтларнинг бевосита ҳамкорлигига қаратган ҳолда фан, инновациялар ва замонавий технологиялар соҳаларида ҳамкорлик фаолиятини, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Чехия Республикаси Технологиялар агентлиги ва Фанни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали рағбатлантирадилар, ривожлантирадилар ва қўмаклашадилар. Томонлар, шунингдек, компаниялар ва университетлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш орқали саноат инновациялари, технологиялар, ноу-хау ёки тажриба алмашиш соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

17. Иккала Томон ҳам тиббий асбоблар сектори ва соғлиқни сақлашнинг бошқа соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик имкониятларига эътибор қаратадилар.

18. Томонлар ўзаро алоқаларни, шу жумладан транспорт инфратузилмаси тармоқлари, тўғридан-тўғри авиақатновлар, логистика провайдерлари ва транспорт операторлари соҳаларида алоқаларни кенгайтиришга тайёрликларини билдирадилар ва ҳамкорлик қилиш учун, айниқса, мавжуд икки томонлама битимлар асосида катта салоҳият мавжудлигини эътироф этадилар.

19. Томонлар, шунингдек, чарм, ипак маҳсулотлари ва саноат канопи маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича лойиҳа ва шартномаларни рағбатлантирадилар.

20. Томонлар қорамол ва майда шохли молларни кўпайтириш, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш истагини билдирадилар.

21. Чехия томони Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш жараёнига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлигини билдирди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Кен-



гайтирилган шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланишини қўллаб-қувватлади.

### **Маданий, таълим ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик ва фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари**

22. Ҳар икки Томон маданий ҳамкорликни ва ўз маданиятлари бўйича ўзаро тушунишни ошириш мақсадида улар ўртасида одамлар ўртасидаги ал-машинувни ривожлантиришга ёрдам берадилар.

23. Ҳар икки Томон икки томонлама, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги доирасида ўрнатилган тегишли асослар ва воситалардан фойдаланган ҳолда тадқиқотчилар ва талабаларнинг ҳаракатчанлигини таъминлаш йўллари излайдилар.

24. Томонлар таълим сифатини оширишга қаратилган сиёсат бўйича шу жумладан, касбий ва техник таълим соҳасида тажриба ва кўникмалар алмашиш истагини билдирадилар.

25. Иқтисодий манфаатлар, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашда туризмнинг муҳим ролини таъкидлаган ҳолда, иккала Томон туризм соҳасидаги ҳамкорликни, жумладан, Чехия Республикасининг илғор технологиялари ва илғор тажрибасини жалб этишни, туризм таълими, икки давлатнинг йирик шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш ва туризм бизнеси ҳамкорлигини кенгайтиришни мустақамлайдилар.

26. Иккала Томон маданий ва ижодий соҳаларда, жумладан кино, анимация, мусиқа, мусиқа асбоблари ишлаб чиқариш ёки кўргазмалар ташкил этишда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш истагини билдирадилар.

27. Иккала Томон ҳам ўзбек ва чех археологлари ўртасидаги 20 йиллик ҳамкорликни ривожлантиришда давом этадилар.

28. Иккала Томон икки мамлакатнинг ёш авлодлари ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш мақсадида ёшлар соҳасида мумкин бўлган ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишдан манфаатдорлигини билдирадилар.

### **Минтақавий ва глобал ҳамкорлик**

29. Иккала Томон ҳам Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги минтақавий ҳамкорликка фаол ҳисса қўшишда давом этадилар.

30. Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва бошқа кўп томонлама механизмлар доирасида, жумладан, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги соҳасида ҳамкорлик ва фикр алмашишни кучайтириш истагини билдирадилар ва халқаро ташкилотларга бир-бирларининг номзодларини қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтирадилар.

31. Томонлар сув ресурсларини бошқариш ва иқлим ўзгариши каби гло-

бал муаммолар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрликларини билдирадилар.

32. Томонлар ҳар бир аниқ соҳада ҳамкорлик шакллари ва йўналишларини келгусида ишлаб чиқадилар. Мазкур Декларацияни амалга оширишни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Чехия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мувофиқлаштирадилар.

33. Мазкур Қўшма декларация халқаро шартнома ҳисобланмайди ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Прага шаҳрида 2023 йил 10 октябрда инглиз тилида қабул қилинди.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ  
Республикаси Ҳукумати ўртасида қайта тикланувчи энергия  
манбаларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ**

*Пекин, 2023 йил 17 октябрь*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 17 октябрдан  
кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан  
давлат реестрида 4530-CN-2023-Н тартиб рақами билан  
рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

қайта тикланувчи энергия соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш энергетика хавфсизлиги, «яшил энергетика»га ўтиш учун катта аҳамият касб этишини инobatга олиб,

атроф табиий муҳитнинг қулай ривожланиши ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан (қуёш, шамол энергияси ва бошқалар) фойдаланишга алоҳида аҳамият берган ҳолда,

энергия тежамкорликни таъминлаш ва энергетик самарадорликни юксалтириш манфаатларидан келиб чиқиб,

самарали ва экологик тоза технологиялар асосида қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида келгуси ҳамкорликни ривожлантириш заруриятини қайд этиб,

энергия тежамкорликни экологик муаммоларни ҳал этишнинг муҳим инструментларидан бири сифатида кўриб,

қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасида Томонларнинг икки томонлама ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос яратишга интилган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

### **1-модда**

#### **Битимнинг мақсади**

Мазкур Битимнинг мақсади қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва ўзбек-хитой энергетика ҳамкорлигини янги мазмун билан узвий тўлдириш ҳисобланади.

### **2-модда**

#### **Ҳамкорлик йўналишлари**

Томонлар мазкур Битим доирасидаги ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

«яшил тараққиёт»га ўтишни жадаллаштириш;

Томонлар давлатлари аҳолиси турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлида тоза қайта тикланувчи энергетикани, шу жумладан, қуёш ва шамол энергетикасини кенг кўламда ривожлантириш, энергия тежамкор технологиялар ва тизимларни кенг жорий қилиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий базани ривожлантириш ва қўшма тадқиқотлар ўтказиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг бутловчи электр тармоқлари ва электр узатувчи линияларини қуриш ва модернизация қилиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологияларни, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этишни, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг энергия жиҳатдан самарадорлигини оширишни, уларнинг ишлаб чиқарилишини кенгайтиришни ва маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш;

қайта тикланувчи энергиядан самарали ва оқилона фойдаланиш, ушбу жараёнда экологик хавфсизликни, аҳоли саломатлиги муҳофазасини таъминлаш;

Томонлар ўртасида келишиладиган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари.

### **3-модда**

#### **Ҳамкорлик шакллари**

Томонлар ҳамкорликни қуйидаги шаклларда амалга оширадилар:

турли даражадаги расмий делегациялар ташрифлари алмашинуви;

экспертлар ва мутахассисларнинг ишчи учрашувлари;

манфаатдор идоралар ва соҳавий ташкилотлар ўртасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва фойдаланиш, яшил ва кам углеводородли энергетикага ўтиш йўналишларидаги сиёсат ва ахборот алмашинувини ташкил этиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини режалаштириш, кўргазмаларни лойиҳаларни қуриш, инновацион технологияларни жорий этиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида мутахассисларни биргаликда тайёрлаш ва малакасини ошириш;

академик конференциялар, семинарлар, назарий ва амалий курслар (тренинглар) ва кўргазмаларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ташкил этиш;

Томонларнинг келишувига асосан бошқа шакллар.

### **4-модда**

#### **Ваколатли органлар**

Мазкур Битимнинг амалга оширилиши бўйича Томонларнинг ваколатли органлари қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбек томони тарафидан — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги;

хитой томони тарафидан — Хитой Халқ Республикаси Энергетика ишлари бўйича давлат бошқармаси.

Мазкур Битимнинг амалга оширилиши бўйича ваколатлар бошқа ваколатли органларга тақдим этилган ёки ваколатли органлар номи ўзгарган тақдирда, Томонлар бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар.

### **5-модда** **Ишлар механизми**

Мазкур Битимни амалга ошириш мақсадида Томонлар тегишли ишчи ва экспертлик гуруҳларини тузишлари, чора-тадбирлар режалари ва бошқа ҳамкорлик дастурлари қабул қилишлари мумкин.

### **6-модда** **Ички қонунчиликка амал қилиш мажбурияти**

Мазкур Битимни амалга ошириш учун бошқа Томон давлатига юборилган барча шахслар бўлиб турган давлатда амалда бўлган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини оладилар.

### **7-модда** **Мазкур Битимнинг бошқа халқаро шартномалар билан ўзаро нисбати**

Мазкур Битим Томонлар давлатлари иштирокчи ҳисобланган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

### **8-модда** **Низоларни ҳал этиш**

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллашда ҳар қандай низолар юзага келган ҳолларда, Томонлар уларни дўстона музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этадилар.

### **9-модда** **Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Битимга унинг ажралмас қисми бўлган ва мазкур Битимнинг 10-моддасида белгиланган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**10-модда**

**Битимнинг кучга кириши, амал қилиш муддати ва тугатилиши**

Мазкур Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим беш йил муддатга тузилади.

Мазкур Битимнинг амал қилиши, башарти Томонлардан бири тегишли муддат тугагунга қадар камида уч ой олдин ёзма шаклда бошқа Томонни унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали хабардор қилмаса, кейинги беш йиллик муддатларга ўз-ўзидан узаяверади.

Ҳар қайси Томон Битимни бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориш орқали тугатиши мумкин. Мазкур Битимнинг амал қилиши бундай хабарнома тегишли Томон тарафидан олинган санадан ўттиз кун ўтгач тугатилади.

Мазкур Битим амал қилишининг тугатилиши, ваколатли органлар ва (ёки) ваколатли ташкилотлар тарафидан мазкур Битимнинг амал қилиш муддати даврида унинг доирасида тузилган контрактларнинг (шартномаларнинг) бажарилишига дахл қилмайди.

Пекин шаҳрида 2023 йил 17 октябрда, ҳар бири икки асл нусхада, ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Матнлар ўртасида фарқлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

*(имзолар)*

**СОГЛАШЕНИЕ**  
**между Правительством Республики Узбекистан и Правительством**  
**Китайской Народной Республики о сотрудничестве в сфере**  
**развития возобновляемых источников энергии**

*Пекин, 17 октября 2023 года*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
17 октября 2023 года)*

*[Зарегистрировано Министерством иностранных дел  
Республики Узбекистан в государственном реестре под номером  
№ 4530-CN-2023-N]*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики, именуемые в дальнейшем Сторонами,

признавая большое значение углубления сотрудничества в области возобновляемых источников энергии для обеспечения энергетической безопасности, содействия переходу на «зеленую энергетику»,

придавая особое значение благоприятному развитию окружающей природной среды и использованию возобновляемых источников энергии (энергия солнца, ветра и другие),

исходя из интересов обеспечения энергосбережения и повышения энергетической эффективности,

отмечая необходимость развивать дальнейшее сотрудничество в области возобновляемых источников энергии на основе эффективных и экологически чистых технологий,

рассматривая энергосбережение в качестве одного из важнейших инструментов по решению экологических проблем,

стремясь создать правовую основу для двустороннего сотрудничества Сторон в сфере развития возобновляемых источников энергии,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

**Цель Соглашения**

Целью настоящего Соглашения является содействие развитию взаимовыгодного сотрудничества в области эффективного использования возобновляемых источников энергии и непрерывное наполнение узбекско-китайского энергетического сотрудничества новыми содержаниями.

**Статья 2**

**Направления сотрудничества**

Стороны в рамках настоящего Соглашения осуществляют сотрудничество по следующим направлениям:

- ускорение перехода к «зеленому развитию»;
- широкомасштабное развитие чистой возобновляемой энергетики, в том числе солнечной и ветровой энергетики, широкое внедрение энергосберегающих технологий и систем с целью дальнейшего повышения благосостояния населения государств Сторон;
- развитие научно-технической базы и проведение совместных исследований в сфере использования возобновляемых источников энергии;
- строительство и модернизация электросетевой сети и линий передачи электричества, комплектующих возобновляемых источников энергии;
- стимулирование внедрения инновационных технологий, научно-технических разработок в области использования возобновляемых источников энергии, повышения энергоэффективности, расширения и локализации производства установок возобновляемых источников энергии;
- эффективное и рациональное использование возобновляемых источников энергии, обеспечение экологической безопасности, охраны здоровья населения в этом процессе;
- другие направления взаимовыгодного сотрудничества, в отношении которых будут достигнуты договоренности между Сторонами.

### **Статья 3** **Формы сотрудничества**

- Стороны осуществляют сотрудничество в следующих формах:
- обмен визитами официальных делегаций различного уровня;
  - рабочие встречи экспертов и специалистов;
  - организация обмена политикой и информацией между заинтересованными ведомствами и профильными организациями о таких аспектах, как развитие и использование возобновляемых источников энергии, зеленый и низкоуглеродный переход энергетики;
  - развитие сотрудничества по планированию отрасли возобновляемых источников энергии, строительству показательных проектов, демонстрации инновационных технологий;
  - совместная подготовка и повышение квалификации специалистов в сфере использования возобновляемых источников энергии;
  - организация и участие в академических конференциях, семинарах, теоретических и практических курсах (тренингах) и выставках;
  - создание совместных предприятий по производству установок возобновляемых источников энергии;
  - по договоренности Сторон другие формы.

### **Статья 4** **Компетентные органы**

Уполномоченными органами Сторон по реализации настоящего Соглашения являются:



от узбекской стороны — Министерство энергетики Республики Узбекистан;

от китайской стороны — Государственное управление по делам энергетики Китайской Народной Республики.

В случае передачи полномочий по реализации настоящего Соглашения другим уполномоченным органам или изменения наименования уполномоченных органов Стороны информируют друг друга об этом по дипломатическим каналам.

### **Статья 5** **Механизм работы**

В целях реализации настоящего Соглашения Стороны могут создавать соответствующие рабочие и экспертные группы, принимать планы мероприятий и иные программы сотрудничества.

### **Статья 6** **Обязанности по соблюдению внутренних законодательств**

Все лица, направленные в государство другой Стороны для реализации настоящего Соглашения, обязаны соблюдать законы и нормативно-правовые акты, действующие в государстве пребывания.

### **Статья 7** **Соотношение настоящего Соглашения с иными международными договорами**

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются их государства.

### **Статья 8** **Разрешение споров**

В случае возникновения любых споров при толковании или применении настоящего Соглашения Стороны будут разрешать их путем дружественных консультаций и переговоров.

### **Статья 9** **Внесение изменений и дополнений**

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, оформляемые отдельными протоколами, которые являются его неотъемлемой частью и вступают в силу в порядке, установленном статьей 10 настоящего Соглашения.

**Статья 10**  
**Вступление в силу, срок действия и прекращение**  
**Соглашения**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты подписания.

Настоящее Соглашение заключается сроком на пять лет.

Действие настоящего Соглашения автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон не менее чем за три месяца до истечения соответствующего периода не уведомит по дипломатическим каналам в письменной форме другую Сторону о своем намерении прекратить его действие.

Любая из Сторон может прекратить Соглашение, направив другой Стороне по дипломатическим каналам письменное уведомление. Действие настоящего Соглашения прекращается по истечении тридцати дней с даты получения соответствующей Стороной такого уведомления.

Прекращение действия настоящего Соглашения не затрагивает выполнение контрактов (договоров), заключенных уполномоченными органами и (или) уполномоченными организациями в рамках настоящего Соглашения в период его действия.

Совершено в городе Пекине 17 октября 2023 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты являются равно аутентичными.

В случае возникновения расхождений в толковании положений настоящего Соглашения Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси  
Ҳукумати ўртасида «Самарқанд Француз Альянси»ни таъсис этиш  
ва унинг фаолияти шартлари тўғрисида  
БИТИМ**

*Самарқанд, 2023 йил 2 ноябрь*

*(2023 йил 2 ноябрдан кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан  
давлат реестрида 2023 йил 14 ноябрда 4532-FR-2023-Н тартиб  
рақами билан рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Ўзбек томони» деб аталувчи, ва Франция Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Француз томони» деб аталувчи, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон ва Франция ўртасида мавжуд маданий, таълим, илмий ва техникавий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш истагини билдириб,

1993 йил 27 октябрда Париж шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга мувофиқ икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш истагини билдириб,

2022 йил 22 ноябрда Париж шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Франция Республикаси Европа ва ташқи ишлар вазирлиги ўртасида Ўзбекистонда француз тили таълими ва ўқитилиши тўғрисидаги Аҳдлашув Декларациясига мувофиқ Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги маданий муносабатларни ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш истагини билдириб,

Суверен тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигини ҳурмат қилиш тамойилларига риоя қилиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

### **1-модда**

1. Томонлар икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда француз тилини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида «Самарқанд Француз Альянси» нодавлат нотижорат ташкилоти (кейинги ўринларда «Самарқанд Француз Альянси») таъсис этилишини қўллаб-қувватлайдилар.

2. Мазкур Битимнинг мақсади Самарқанд Француз Альянснинг қуйидаги асосий мақсадлари ва фаолиятини амалга оширишга рухсат беришдан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бошқа қизиқувчи шахсларга француз тилини ўргатиш;

Ўзбекистон Республикаси мутасадди вазирлик ва идораларига Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари учун француз тили бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

халқаро стандартларга мувофиқ француз тили имтиҳонларини ўтказиш;

француз тили бўйича ўзбек мутахассислари ва ўқитувчиларининг малакасини оширишда кўмаклашиш;

Ўзбекистонда маданият, таълим, фан ва техника соҳаларида конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, машғулотлар, малака ошириш курслари ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

Мазкур Битим мақсадларига зид бўлмаган ҳамда Самарқанд Француз Альянсининг Уставига мос келувчи бошқа фаолият турлари.

## 2-модда

1. Томонлар Самарқанд Француз Альянси Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилот сифатида «жамоат бирлашмаси» ташкилий-ҳуқуқий шаклида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтишини тан оладилар.

2. Самарқанд Француз Альянси фаолияти унинг Устави, мазкур Битим қоидалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

3. Самарқанд Француз Альянсининг фаолияти Ўзбекистон Республикасида лицензия олишни талаб этмайди.

## 3-модда

1. Самарқанд Француз Альянси директори, унинг ўринбосари/лари ва уларнинг қарамоғидаги оила аъзолари (ота-онаси, эри/хотини, улар билан бирга яшайдиган фарзандлари) аккредитациядан ўтиш учун зарур бўлган тегишли тўловлар тўламаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида аккредитациядан ўтадилар. Самарқанд Француз Альянси директори ёки унинг ўринбосари этиб дипломатик иммунитетга эга бўлган шахслар тайинлана олмайдилар.

2. Дарс бериш учун жалб қилинган (уларнинг мутахассислигини тасдиқловчи тегишли ўқув муассасани тамомлаганлиги тўғрисида дипломни тақдим этиш шарти билан) Самарқанд Француз Альянсининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган чет эллик ходимлари, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзолари (ота-онаси, эри/хотини, улар билан бирга яшайдиган фарзандлари) Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида аккредитациядан ўтадилар.

3. Самарқанд Француз Альянсининг Уставида белгиланган фаолиятини амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ўқув материаллари ва моддий-техник жиҳозлар божхона тўловларидан озод этилади.

4. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар божхона чегарасидан товарларни олиб ўтишнинг ўрнатилган тартибига риоя қилган ҳолда божхона йиғимларидан ташқари, божхона тўловларидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикасига ўзларининг шахсий фойдаланишига мўлжалланган товарларни, жумладан рўзғорни бир қадар бутлаб олишга зарур бўлган товарларни олиб киришлари мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчмас мулкка ёки мулк, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкасига эга бўлган Самарқанд Француз Альянсининг чет эллик ходимлари мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланадилар.

6. Самарқанд Француз Альянси ўзининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини тугатишга қарор қилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги доирасида барча тугатиш жараёнларига амал қилганидан сўнг ўзига тегишли бўлган мулкни олиб чиқиб кетиши мумкин.

#### 4-модда

1. Томонлар Самарқанд Француз Альянси ўз фаолиятини амалга оширишда даромад олишни мақсад қилиб қўймаслигини тан оладилар.

2. Айни вақтда Самарқанд Француз Альянси ўз фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида, ўз Устави ва ушбу Битим қоидаларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ:

Самарқанд Француз Альянси томонидан ташкил этиладиган француз тили дарсларига ва тадбирларга ёзилиш ва иштирок этишдан тушадиган даромадларни олиш;

каталоглар, плакатлар, дастурлар, китоблар, пластинкалар, маълумотни ёзиш усулидан қатъий назар аудиовизуал ва дидактик материаллар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ у томонидан ташкиллаштирилаётган тадбирлар билан бевосита боғлиқ бошқа предметларни одатий савдо фаолияти қоидаларига путур етказмаган ҳолда сотиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Самарқанд Француз Альянси фаолиятини таъминлаш мақсадида мазкур модданинг 2-бандида кўрсатилган у томонидан олинган даромадларни солиқ ҳамда бошқа бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий тўловларни тўлашдан озод этади.

4. Мазкур модданинг 3-бандида назарда тутилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва/ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи бошқа шахсларни ишга ёллаш ҳамда уларга ойлик маош тўлаш билан боғлиқ мажбурий тўловларга татбиқ этилмайди.

#### 5-модда

1. Самарқанд Француз Альянси ишга қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва/ёки унинг ҳудудида яшовчи бошқа шахслар ораси-

дан Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ ходимларни ёллаши мумкин.

2. Самарқанд Француз Альянси ўз ходимларининг белгиланган сони, амалга ошириладиган дастур ва лойиҳалари, 1993 йил 27 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, режалаштирилган тадбирларнинг (конференциялар, семинарлар, машғулотлар ва бошқалар) вақти, жойи, тартиби ва кун тартибини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишади.

3. Самарқанд Француз Альянси қилинган ишлар тўғрисида йиллик ҳисоботларни ҳамда ўзининг фаолияти тўғрисида сўралаётган бошқа маълумотни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги миллий қонунчиликка мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

5. Самарқанд Француз Альянси фаолияти доирасида низо юзага келган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Франция Республикаси Ҳукуматидан ҳар қандай зарур ҳужжат ва маълумотларни тақдим этишни сўраши мумкин.

6. Мазкур модданинг 4-бандига асосан қўлланиладиган ҳар қандай эҳтимолий чоралар ҳақида Француз томони зудлик билан хабардор қилинади.

### **6-модда**

1. Ўзбек томони 2023 йил 25 октябрда Самарқанд шаҳри билан имзоланган ижара шартномасида белгиланган шартларга мувофиқ, Самарқанд шаҳар, Темир Малик кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган бинони Самарқанд Француз Альянси ихтиёрига беради. Зарурат туғилганда, кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар Томонлар тайинлаган ваколатли идоралар ўртасидаги алоҳида битимлар билан тартибга солинади.

2. Томонлар Самарқанд Француз Альянсига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигининг Ўзбекистон Республикаси солиқ ва рўйхатга олиш органлари вакиллари томонидан назорат ўтказиш бўйича талабларига мувофиқ бўлган тадбирларни ташкил этишига рухсат берадилар.

3. Ўзбек томони Самарқанд Француз Альянси томонидан ташкил этилган тадбирларга жамоатчиликнинг эркин иштирок этишини таъминлайди.

### **7-модда**

Мазкур Битимнинг қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган низолар Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

### **8-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра ушбу Битимга исталган вақтда

дипломатик каналлар орқали ёзма равишда юбориладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Мазкур ўзгартишлар Томонлар белгилаган кундан кучга киради ва ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### 9-модда

Мазкур Битим имзоланган санадан кучга киради ҳамда Томонлардан бири бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали Битимни тугатиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилгунига қадар амал қилади. Бу ҳолатда мазкур Битим юқорида қайд этилган ёзма хабар олинганидан олти ой ўтганидан кейин ўз кучини йўқотади.

Мазкур Битимнинг тугатилиши Битимни амалга ошириш доирасида бошланган ҳамда унинг тугатилишига қадар ниҳоясига етмаган дастур ва лойиҳаларнинг давом этишига таъсир қилмайди.

Самарқанд шаҳрида 2023 йил 2 ноябрь куни икки асл нусхада, ўзбек ва француз тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хил кучга эга.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан  
Франция Республикаси Европа ва ташқи ишлар вазирлиги  
ўртасида дипломатик кадрлар тайёрлаш тўғрисида  
АҲДЛАШУВ ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

*Самарқанд, 2023 йил 2 ноябрь*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 2 ноябрдан  
кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан  
давлат реестрида 2023 йил 14 ноябрда 4532-FR-2023-Н тартиб  
рақами билан рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Франция Республикаси Европа ва ташқи ишлар вазирлиги, кейинги ўринларда «Имзолувчилар» деб аталувчилар,

1993 йил 27 октябрда Париж шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага амал қилиб;

Икки томонлама сиёсий муносабатларни ривожлантиришга бўлган умумий истакларидан келиб чиққан ҳолда;

Ҳамкорликда дипломатик кадрларни тайёрлаш ва касбий алмашинувлар сиёсий алмашинувларнинг сифати ва икки томонлама ҳамкорликнинг самардорлиги учун мезон эканлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда;

**қуйидаги истакларини билдирадilar:**

1. давлат хизмати ва дипломатик корпус ислоҳотлари, марказий маъмуриятни ва дипломатик тармоқни ташкил этиш, дипломатия касбларида қўлланиладиган илғор тажриба ва технологик инновациялар, дипломатик кадрлар тайёрлашни ташкил этиш юзасидан маълумот алмашинувларини ривожлантириш;

2. Имзолувчиларнинг дипломатлари ва маърузачиларини икки томонлама ёки минтақавий форматда тематик ёки лингвистик семинарларда қабул қилиш ва иштирок этишни рағбатлантириш;

3. мазкур йўналишда зарур ҳолларда малака ошириш ёки ташқи илмий тадқиқот муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларидан фойдаланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш.

Самарқанд шаҳрида 2023 йил 2 ноябрь куни, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва француз тилларида имзоланди.

*(имзолар)*



**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Америка Қўшма  
Штатлари Ҳукумати ўртасида Ўзбекистоннинг археологик ва  
этнологик материаллари тоифаларига импорт чекловларини  
жорий этиш тўғрисида  
БИТИМ**

*2023 йил 7 ноябрь, Тошкент*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 7 ноябрдан  
кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан  
давлат реестрида 4534-US-2023-Н тартиб рақами билан  
рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар;

ҳар икки мамлакат иштирокчи давлатлар ҳисобланган Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида 1970 йилдаги ЮНЕСКО Конвенциясига мувофиқ ҳаракат қилган ҳолда; ва

Ўзбекистон маданий меросини ифодаловчи, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган археологик ва этнологик материалларни талон-торож қилишга бўлган иштиёқни камайтириш истагида;

**қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

1. Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўз қонунчилигига, шу жумладан Маданий бойликлар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш тўғрисидаги Актига мувофиқ, Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати томонидан эълон қилинадиган рўйхатда (кейинги ўринларда Белгиланган рўйхат деб аталувчи) белгиланган милоддан аввалги 50 000 йилдан милодий 1773 йилгача бўлган маълум археологик материаллар ва Ўзбекистон халқининг маданий мероси учун муҳим милодий 600 йилдан 1917 йилгача бўлган маълум этнологик материалларнинг Қўшма Штатларга олиб кирилишини чеклайди, бунда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати бундай олиб чиқилиш унинг қонунларига зид эмаслигини тасдиқловчи сертификат берган ҳолатлар мустасно ҳисобланади.

2. Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Белгиланган рўйхатдаги Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ҳисобига мусодара қилинган ҳар қандай объект ёки материални Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига қайтаришни таклиф қилади.

3. Бундай импорт чекловлари Белгиланган рўйхат Реестр Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг жамоатчиликни хабардор қилишни кўзловчи

расмий нашри ҳисобланган АҚШ Федерал реестрида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирилади.

## 2-модда

1. Ҳар икки Томон ушбу Битимни ва унинг сабабларини эълон қиладилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати рухсат этилмаган қазилмалар, маданий бойликларнинг ўғирланиши, маданий бойликлар контрабандаси ва маданий меросга хавф соладиган бошқа таҳдидлар ҳақидаги маълумотларни сақлаш ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати билан бўлишиш учун барча имкониятларни ишга солишда давом этади. Мазкур саъй-ҳаракатларга ёрдамлашиш мақсадида Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тегишлича давлат ва/ёки хусусий секторларда мавжуд дастурлар доирасида техник ёрдам кўрсатишга кўмаклашиш учун барча имкониятларни ишга солади.

3. Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида 1970 йилдаги ЮНЕСКО Конвенциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўзининг маданий меросини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларни ишга солишда давом этади. Мазкур саъй-ҳаракатларга ёрдамлашиш мақсадида Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тегишлича давлат ва/ёки хусусий секторларда мавжуд дастурлар доирасида техник ёрдам кўрсатишга кўмаклашиш учун барча имкониятларни ишга солади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати маданий бойликларнинг талон-торож қилиниши билан боғлиқ жиддий вазиятларни бартараф этиш борасида Ўзбекистондан археологик ва этнологик материалларни сезиларли даражада импорт қилувчи бошқа мамлакатлар билан ишлаш учун барча имкониятларни ишга солишда давом этади.

5. Ҳар бир Томон археологик ва этнологик материалларни маданий, таълим ва илмий мақсадларда алмашишни рағбатлантириш, шу жумладан, бундай материалларни узоқ муддатга бериб туриш орқали Ўзбекистоннинг бой маданий мероси жамоатчилик томонидан қадрланишини кенг кўламда эътироф этиш ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида барча имкониятларни ишга солади.

6. Ҳар бир Томон ушбу Битимни амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилиб туриш ҳаракатини давом эттиради.

## 3-модда

Ҳар икки Томоннинг мажбуриятлари ва ушбу Битим доирасида амалга ошириладиган фаолиятлари уларнинг тегишли қонунлар ва қоидаларига, шу жумладан, ажратилган маблағларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

**4-модда**

1. Мазкур Битим имзолангандан бошлаб кучга киради; башарти у узайтирилмаса, беш (5) йил давомида амал қилади.

2. Мазкур Битим фақат Томонларнинг ўзаро ёзма розиликлари билан узайтирилиши ва/ёки ўзгартирилиши мумкин.

3. Томонлар мазкур Битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш зарурияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун беш (5) йиллик муддат тугагунга қадар ушбу Битимнинг самарадорлигини кўриб чиқадилар.

4. Ҳар бир Томон бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар уни тугатиш нияти ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши мумкин. Бундай ҳолда, тугатиш хабарнома олинган кундан бошлаб олти (6) ой ўтгач кучга киради.

Тегишли тартибда ўз ҳукуматлари томонидан ваколатланган қўйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2023 йил 7 ноябр куни икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси  
ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни  
давом эттириш учун топшириш тўғрисида  
ШАРТНОМА**

*(Нур-Султон, 2021 йил 6 декабрь)*

*(Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил  
6 майдаги ЎРҚ–839-сон Қонуни билан ратификация қилинган)*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 12 ноябрдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

давлат суверенитети, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат принципларидан келиб чиқиб,

жинойй-ҳуқуқий соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўмаклашиш ниятида,

маҳкумларнинг жазони ўзлари фуқароси бўлган давлатда ўташлари жазони ижро этиш мақсадига янада самарали эришишга, ҳуқуқбузарларни жамиятда нормал ҳаётга қайтаришга қўмаклашишини инobatга олиб,

инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципларига амал қилган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишувга эришдилар:**

**1-модда  
Таърифлар**

Мазкур Шартноманинг мақсадларига эришиш учун атамалар қуйидаги маъноларни билдиради:

а) «ҳукм чиқариш Томони» — жазони ўташни давом эттириш учун топширилиши мумкин бўлган ёки топширилган шахсга нисбатан суд ҳукмини чиқарган Томон;

б) «ҳукмни ижро этиш Томони» — маҳкум жазони ўташни давом эттириши учун топширилиши мумкин бўлган ёки топширилган Томон;

с) «маҳкум» — жиноят содир этганлиги учун Томонлардан бирининг суди томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс;

д) «қонуний вакил» — Томонлар ҳар бирининг миллий қонунчилигида белгиланган тартибда шундай деб тан олинган шахс;

е) «ваколатли органлар» — Томонларнинг маҳкумларни топшириш тўғрисидаги қарорларини ижро этувчи органлари.

**2-модда  
Ҳамкорликнинг умумий принциплари**

1. Мазкур Шартноманинг қоидаларига мувофиқ, Томонлар маҳкумларни

топшириш масалаларида максимал даражада ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар.

2. Томонлар мазкур Шартнома талабларига мувофиқ бир-бирларининг сўровлари бўйича ҳукм чиқариш Томони ҳудудида жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ва бошқа Томоннинг фуқароси бўлган маҳкумларни ҳукмни ижро этиш Томонига жазони ўташ учун топшириши мумкин.

### **3-модда** **Марказий органлар**

1. Мазкур Шартнома мақсадларида, Томонлар тарафидан белгиланган марказий органлар бевосита, шу жумладан электрон алоқа воситалари ёки факс ёрдамида алоқа қиладилар.

2. Қуйидагилар марказий органлар ҳисобланадилар:

Ўзбекистон Республикаси учун — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Қозоғистон Республикаси учун — Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси.

3. Ҳар бир Томон марказий органи билан боғлиқ ҳар қандай ўзгаришлар ёки унинг ваколатлари бошқа органларга ўтказилганлиги тўғрисида бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали хабардор қилади.

### **4-модда** **Маҳкумни топшириш учун асос**

Маҳкумни ўзи фуқароси бўлган Томонга топшириш тартиб-таомилини бошлаш учун асос ушбу шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг Томонлардан исталган бирининг марказий органига йўллаган аризаси ҳисобланади.

### **5-модда** **Маҳкумни топшириш тўғрисидаги сўровлар ва жавоблар ҳамда зарур ҳужжатлар**

1. Томонларнинг марказий органлари томонидан маҳкумни топшириш тўғрисидаги сўровлар ва уларга жавоблар ёзма шаклда тузилади ва юборилади.

Сўров маҳкумнинг шахси тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), туғилган санаси ва жойи), шахс ҳукм қилинган жиноят қонуни моддасининг номи ва маҳкумнинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини ўз ичига олади.

2. Маҳкумни топшириш тўғрисидаги сўровлар ва уларга жавоблар, шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар имзо билан тасдиқланиши ва гербли муҳр билан муҳрланиши лозим.

3. Томонлардан исталган бири тарафидан маҳкумни топшириш тўғриси-

даги сўров берилиши мумкин. Сўралаётган Томон ўзининг қарори тўғрисида сўраётган Томонни дарҳол хабардор қилиши лозим.

4. Томонларнинг биридан маҳкумни топшириш тўғрисидаги сўров келиб тушса ва бошқа Томон буни рад этмаса, ҳукм чиқариш Томони ҳукмни ижро этиш Томонига қўйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этади:

а) қонуний кучга кирган суд қарорининг нусхаси, шу жумладан қарорга асос бўлиб хизмат қилган қонуннинг тегишли қоидалари;

б) жазонинг тури ва муддатини кўрсатувчи маълумотлар, шунингдек унинг ҳисоблаш санаси;

с) жазонинг ўталган муддатлари ва ўталиши лозим бўлган қисмлари тўғрисида, шу жумладан судга қадар ҳибсада ушлаб туриш муддатлари тўғрисида маълумотлар, суд ҳукмининг ўзгартирилганлиги тўғрисида маълумотлар ва суд ҳукмини ижрога қаратиш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар;

д) мазкур Шартноманинг 7-моддаси 1-банди с) кичик бандига мувофиқ топширишга маҳкумнинг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма розилиги;

е) маҳкумнинг соғлигининг ҳолати тўғрисида тиббий хулоса, шу жумладан унинг даволанганлиги тўғрисида маълумотлар ва келгусида ҳукмни ижро этиш Томонида келгусида даволаниши бўйича тавсиялар;

ғ) маҳкумнинг хулқ-атворининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар;

г) етказилган моддий зарар ҳамда суд ҳукми ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ уни қоплаш бўйича маълумотлар;

ҳ) агар тайинланган бўлса, қўшимча жазо ижроси тўғрисида ҳужжат.

5. Ҳукмни ижро этиш Томони ҳукм чиқариш Томонига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) маҳкумнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), туғилган санаси ва жойи);

б) маҳкумнинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат;

с) ҳукм чиқариш Томонида суд ҳукми чиқарилиши билан боғлиқ қилмиш ҳукмни ижро этиш Томонининг миллий қонунчилигига мувофиқ жиноят ҳисобланиши белгиланган ҳукмни ижро этиш Томонининг тегишли миллий қонунчилигидан кўчирма;

д) ҳукм чиқариш Томони тарафидан чиқарилган суд ҳукмини ҳукмни ижро этиш Томонининг миллий қонунчилиги бўйича ижро этиш тартиби тўғрисида маълумотлар.

6. Зарур ҳолларда, Томонларнинг марказий органлари қўшимча ҳужжатлар ёки маълумотларни сўраб олиши мумкин.

7. Мазкур Шартномани ижро этишда Томонлар рус тилидан фойдаланадилар. Томонларнинг давлат тилларида тузилган ҳужжатларга уларнинг рус тилидаги тасдиқланган таржималари илова қилинади.

## 6-модда

### Маҳкумнинг розилиги ва уни тасдиқлаш

1. Ҳукм чиқариш Томони маҳкум ёки унинг қонуний вакили, ҳуқуқий оқибатларни тўлиқ англаган ҳолда, топширишга ихтиёрий розилигини бер-

ганлигини ва буни топширишга розилик тўғрисидаги ариза билан тасдиқла-нишини кафолатлайди.

2. Ҳукм чиқариш Томони ҳукми ижро этиш Томонининг сўрови асоси-да ҳукми ижро этиш Томонига ўзининг ваколатли шахси орқали маҳкум мазкур модданинг 1-банди талабларига мувофиқ ўзини топширишга розилик берганлигига ишонч ҳосил қилиши учун имконият яратиб бериши лозим.

3. Маҳкум ўзини топшириш тўғрисидаги аризани ўзи билган тилда тақ-дим қилиши мумкин.

### 7-модда

#### Маҳкумни топшириш шартлари

1. Маҳкум мазкур Шартномага мувофиқ қўйидаги ҳолларда топширили-ши мумкин, башарти:

а) маҳкум ҳукми ижро этиш Томонининг фуқароси бўлса;

б) шахсни озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми қонуний кучга кирган бўлса;

с) маҳкумнинг ёзма розилиги ёки маҳкумнинг ёши, жисмоний ва (ёки) руҳий ҳолатига кўра ўз иродасини эркин билдира олмаса, унинг қонуний вакилининг розилиги бўлса;

д) шахс ҳар иккала Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ жиноий жазоланадиган ва озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўладиган қилмиш учун ҳукм қилинган бўлса;

е) маҳкумни топшириш тўғрисидаги ариза ёки сўров қабул қилинганда ўталиши лозим бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати камида бир (1) йилни ташкил қилса;

ф) жиноят орқали етказилган моддий зарар қопланган бўлса;

г) ҳукм чиқариш Томонида маҳкумга нисбатан тергов, суд муҳокамаси ёки бошқа процессуал ҳаракатлар давом эттирилмаётган бўлса;

ҳ) Томонлар маҳкумни топширишга рози бўлсалар.

2. Истисно ҳолатларда Томонлар, ҳатто маҳкум ўташи лозим бўлган муд-дат мазкур модданинг 1-банди е) кичик бандида кўрсатилган муддатдан кам бўлса ҳам, маҳкумни топширишга розилик билдиришга ҳақлидирлар.

### 8-модда

#### Маҳкумни топширишни рад этиш учун асослар

Маҳкумни топшириш амалга оширилмайди, башарти:

а) мазкур Шартноманинг 7-моддаси 1-бандида кўрсатилган талабларга амал қилинмаган бўлса;

б) Томонлардан бири маҳкумни топшириш унинг суверенитети, хавфсиз-лиги, жамоат тартиби ёки бошқа муҳим миллий манфаатларига зарар еткази-ши мумкин ёхуд унинг миллий қонунчилигига зид деб ҳисобласа;

с) маҳкум бирор-бир молиявий мажбуриятларни бажармаган бўлса;

д) сўраётган Томон тарафидан мазкур Шартноманинг 5-моддаси талабла-ри лозим даражада бажарилмаган бўлса.

### **9-модда**

#### **Маҳкумни топшириш тўғрисидаги сўров юзасидан қарор**

1. Томонлар мазкур Шартномага ва ўзларининг миллий қонунчилигига мувофиқ маҳкумни топшириш тўғрисида қарор қабул қиладилар.
2. Қабул қилинган қарор тўғрисида сўраётган Томоннинг марказий органига ёки маҳкумни топшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган шахсга ёзма равишда хабар берилади.
3. Маҳкумни топшириш рад этилса, бундай қарор асослантирилган бўлиши лозим.

### **10-модда**

#### **Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш**

Томонларнинг ҳар бири мазкур Шартномани амалга ошириш жараёнида олинган шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни кафолатлайди ва уларни бошқа Томоннинг олдиндан берилган ёзма розилигисиз учинчи давлатга бериши мумкин эмас.

### **11-модда**

#### **Маҳкумни топшириш тартиботи**

1. Маҳкумни топшириш тўғрисидаги сўров қаноатлантирилган тақдирда, Томонларнинг ваколатли органлари маҳкумни топшириш вақти ва шартлари тўғрисида келишиб оладилар.
2. Топшириш тартиботи Томонларнинг ваколатли органлари вакиллари томонидан имзоланадиган маҳкумни топшириш тўғрисидаги ҳужжатни икки нусхада тузишни ўз ичига олади.
3. Маҳкумни топшириш тартиботи Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасида, «Фишт-Кўприк» — «Жибек-Жоли» ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.
4. Ўтказиш пунктлари ўзгартирилган тақдирда, Томонлар бу тўғрисида дипломатик каналлар орқали бир-бирларини хабардор қиладилар.

### **12-модда**

#### **Суд ҳукмини ижро этилишини давом эттириш**

1. Ҳукми ижро этиш Томони, маҳкумнинг ҳолатини ёмонлаштирмаган ҳолда, ўз миллий қонунчилигига мувофиқ ҳукм чиқариш Томони судининг ҳукми ижросини тўлиқ давом эттирилишини таъминлаши шарт.
2. Ҳукми ижро этиш Томонининг суди ўз миллий қонунчилигига мувофиқ, худди ҳукм чиқариш Томонининг суди қарори билан тайинлангани каби озодликдан маҳрум қилиш муддатини белгиланган ҳолда, қарор қабул қилади.
3. Башарти ҳукми ижро этиш Томонининг миллий қонунчилиги бўйича жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишнинг чегараланган



муддати ҳукм чиқариш Томонининг суди ҳукми билан тайинланган муддатдан кам бўлса, ҳукмни ижро этиш Томонининг суди бундай жиноятни содир этганлик учун миллий қонунчиликда назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддатини белгилайди.

4. Ҳукм чиқариш Томонининг ҳудудида маҳкум ўтаб бўлган жазо муддати ҳукмни ижро этиш Томонида жазони ўташнинг умумий муддатига киритилади.

5. Башарти ҳукм чиқариш Томони судининг ҳукми икки ёки ундан ортиқ қилмишга тегишли бўлса, улардан бири ёки бир нечтаси ҳукмни ижро этиш Томонида жиноят деб ҳисобланмаса, ушбу Томоннинг суди жазонинг қайси қисми жиноят ҳисобланадиган қилмишга қўлланилишини аниқлайди.

6. Башарти содир этилган қилмиш учун ҳукмни ижро этиш Томонида қўшимча жазо назарда тутилган бўлса, ушбу Томон суди тарафидан ўз миллий қонунчилигига мувофиқ бундай қўшимча жазони ўташ тўғрисида қарор қабул қилинади.

### **13-модда**

#### **Афв этиш, амнистия, жазони енгиллаштириш ва жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш**

Томонларнинг ҳар бири, бошқа Томонни дарҳол хабардор қилган ҳолда, топширилган маҳкумга нисбатан ўз миллий қонунчилигига мувофиқ афв этиш, амнистия актини қўллаш ёки унга тайинланган жазони енгиллаштириш ёхуд уни жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

### **14-модда**

#### **Юрисдикцияни сақлаш**

1. Фақатгина ҳукм чиқариш Томони ўз суди томонидан чиқарилган қарорни ўзгартириши ёки бекор қилиши ҳуқуқига эга.

2. Ҳукмни ижро этиш Томони ҳукм чиқариш Томонидан ўзгартирилган ёки бекор қилинган қарорни олган тақдирда, ҳукмнинг ижро этилишини ўзгартириши ёки бекор қилиши лозим.

### **15-модда**

#### **Маҳкумни топширишнинг ҳуқуқий оқибатлари**

1. Маҳкумни топшириш ҳукм чиқариш Томонида ҳукмнинг ижро этилиши тугатилганлигини билдиради.

2. Жазони ўташ учун ҳукмни ижро этиш Томонига топширилган маҳкумга нисбатан ушбу Томон ҳудудида шу каби жиноятни содир этган шахсга нисбатан бўлгани каби шундай ҳукм қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари бошланади.

3. Ҳукмни ижро этиш учун топширилган маҳкум худди шундай қилмиш учун ҳукмни ижро этиш Томонининг ҳудудида қайта жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

### 16-модда

#### Хукмнинг ижроси тўғрисида ахборот бериш

Хукми ижро этиш Томони хукм чиқариш Томонига суд хукмининг ижроси тўғрисида ахборот бериши лозим, башарти:

- a) суд хукмининг ижроси якунланган бўлса;
- b) маҳкум қamoқдан қочган ёки жазони ўташ муддати тугашидан олдин вафот этган бўлса;
- c) хукм чиқариш Томони тарафидан бу ҳақида ахборот сўралса.

### 17-модда

#### Ахборот тақдим этиш бўйича мажбуриятлар

1. Ҳар бир Томон мазкур Шартнома қўлланилиши мумкин бўлган маҳкумларни унинг мавжудлиги ва мазмуни тўғрисида хабардор қилади.

2. Маҳкум ёки унинг қонуний вакили топшириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш бўйича Томонлардан ҳар бири тарафидан қабул қилинган якуний қарор тўғрисида ёзма хабардор қилинади.

### 18-модда

#### Транзит ташиш

1. Томонларнинг ҳар бири, учинчи давлат тарафидан бошқа Томонга топширилган маҳкумни транзит ташиш тўғрисида тегишли сўров мавжуд бўлган тақдирда, ўзининг ҳудуди орқали транзит ташишга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

Бунда транзит Томони ўз ҳудудида маҳкумни қабул қилиш, уни ҳибсда сақлаш ва кўйидаги қабул қилиш-топшириш пунктигача етказишни таъминлайди:

Ўзбекистон Республикаси учун — Тошкент шаҳри;

Қозоғистон Республикаси учун — Чимкент шаҳри.

2. Транзит Томони кўйидаги ҳолларда транзит ташишни рад этиш ҳуқуқига эга, башарти:

a) маҳкум унинг фуқароси бўлса;

b) содир этилганлиги учун жазо тайинланган жиноят унинг миллий қонунчилигига мувофиқ жиноят деб ҳисобланмаса.

3. Транзит ташиш тўғрисидаги сўров мазкур Шартноманинг 5-моддаси 4-банди a), b), e) ва f) кичик бандларида назарда тутилган маълумотларни ўз ичига олади ва унга мазкур Шартноманинг 5-моддаси 5-банди a), b), c) кичик бандларида белгиланган ҳужжатлар илова қилинади.

4. Башарти ҳаво транспортдан фойдаланилса ва транзит Томонининг ҳудудида қўниш кўзда тутилмаган бўлса, транзит ташишга рухсат талаб қилинмайди.

5. Ҳаво кемаси режадан ташқари қўнган ҳолларда, транзит Томони бошқа Томоннинг маҳкумни кузатиб бораётган вакилларининг илтимосига кўра, ушбу шахсни транзит ташиш учун рухсат олингунга қадар 72 соат давомида ҳибсда ушлаб туриши мумкин.

6. Башарти ушбу модданинг 5-бандида кўрсатилган муддатларда транзит ташиш учун сўров олинмаса ва Томонлар ўртасида бошқача келишувга эришилмаган бўлса, ушбу шахс озодликка чиқарилади.

### **19-модда** **Харажатлар**

1. Мазкур Шартномани ижро этиш билан боғлиқ харажатларни Томонлар ўзларининг миллий қонунчилигига ва мазкур Шартномага мувофиқ қоплайдилар.

2. Ҳукми ижро этиш Томони қуйидаги харажатларни қоплайди:

а) ҳукм чиқариш Томонининг ҳудудида юзага келадиган харажатлардан ташқари маҳкуми ташиш билан боғлиқ харажатлар;

б) топшириш амалга оширилгандан кейин ҳукми ижро этиш билан боғлиқ харажатлар.

3. Маҳкуми транзит ташиш билан боғлиқ харажатларни транзит Томони қоплайди.

### **20-модда** **Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги**

Мазкур Шартнома мақсадларида, бир Томоннинг марказий органи тарафидан имзо ва гербли муҳр билан тасдиқланган ҳолда юборилган ҳар қандай ҳужжат бошқа Томоннинг ҳудудида ҳеч қандай махсус тасдиқловсиз фойдаланилиши лозим.

### **21-модда** **Ноқонуний ҳукм чиқарганлик учун жавобгарлик**

1. Ҳукм чиқариш Томони шахсга нисбатан ноқонуний ҳукм чиқарганлик учун жавобгар бўлади.

2. Ҳукм чиқариш Томони ноқонуний ҳукм чиқариш оқибатида етказилган зарарни қоплайди.

### **22-модда** **Амал қилиш вақти**

Мазкур Шартнома у кучга киришига қадар ва кейинги даврларда чиқарилган ҳукмларни ижро этиш учун қўлланилади.

### **23-модда** **Низоларни ҳал қилиш**

Мазкур Шартномани талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган низолар Томонларнинг марказий органлари ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал этилади.

**24-модда**

**Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва алоҳида баённома билан расмийлаштирилади.

**25-модда**

**Мазкур Шартноманинг бошқа халқаро шартномалар билан ўзаро нисбати**

Мазкур Шартноманинг қоидалари Томонлар иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

**26-модда**

**Якуний қоидалар**

1. Мазкур Шартнома ратификация қилинади ва Томонларнинг бири дипломатик каналлар орқали унинг ратификация қилинганлиги тўғрисида сўнгги ёзма хабарнома олган санадан бошлаб олти (6) ой ўтгач кучга киради.

2. Шартнома номуайян муддатга тузилади. Ҳар бир Томон бошқа Томонни исталган вақтда дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориш билан Шартноманинг амал қилишини тугатиши ҳуқуқига эга. Мазкур Шартноманинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томоннинг уни тугатиш истаги тўғрисидаги хабарномасини олган санадан бошлаб олти (6) ойдан сўнг тугатилади.

3. Мазкур Шартноманинг тугатилиши уни тугатилишидан олдин олинган маҳкумларни топшириш тўғрисидаги сўровларнинг ижросини яқунлашга тўсқинлик қилмайди.

Ушбунни тасдиқлаган ҳолда, тегишли тартибда ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар мазкур Шартномани имзоладилар.

Нур-Султон шаҳрида 2021 йил 6 декабрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, қозоқ ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Шартноманинг матнлари ўртасида тафовутлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

*(имзолар)*

**ДОГОВОР**  
**между Республикой Узбекистан и Республикой Казахстан**  
**о передаче лиц, осужденных к лишению свободы,**  
**для дальнейшего отбывания наказания**

*(Нур-Султан, 6 декабря 2021 г.)*

*(Настоящий Договор ратифицирован Законом Республики Узбекистан от 6 мая 2023 года ЗРУ-839)*

*(Для Республики Узбекистан вступает в силу с 12 ноября 2023 года)*

Республика Узбекистан и Республика Казахстан, в дальнейшем именуемые «Стороны»,

исходя из принципов государственного суверенитета, равноправия и взаимного уважения,

желая способствовать дальнейшему развитию международного сотрудничества в уголовно-правовой сфере,

учитывая, что отбывание осужденными наказания в государстве, гражданами которого они являются, способствует более эффективному достижению целей исполнения наказания, возвращению правонарушителей к нормальной жизни в обществе,

руководствуясь принципами гуманизма и уважения прав человека,

**договорились о нижеследующем:**

**Статья 1**  
**Определения**

Для достижения целей настоящего Договора нижеуказанные термины означают:

а) «Сторона вынесения приговора» — Сторона, в которой вынесен приговор суда в отношении лица, которое может быть или уже было передано для дальнейшего отбывания наказания;

б) «Сторона исполнения приговора» — Сторона, которой может быть или уже было передано осужденное лицо для дальнейшего отбывания наказания;

с) «осужденный» — лицо, осужденное судом одной из Сторон за совершение преступления к наказанию в виде лишения свободы;

д) «законный представитель» — лицо, признанное таковым в порядке, установленном национальным законодательством каждой из Сторон;

е) «компетентные органы» — органы Сторон, исполняющие решения о передаче осужденного.

**Статья 2**  
**Общие принципы сотрудничества**

1. В соответствии с положениями настоящего Договора Стороны обя-

зуются сотрудничать в максимальной степени в вопросах передачи осужденных.

2. Стороны по запросу друг друга могут согласно требованиям настоящего Договора передавать осужденных, отбывающих наказание в местах лишения свободы за совершение преступлений на территории Стороны вынесения приговора и имеющих гражданство другой Стороны, для отбывания наказания в Стороне исполнения приговора.

### **Статья 3** **Центральные органы**

1. Для целей настоящего Договора центральные органы, определенные Сторонами, взаимодействуют непосредственно, в том числе с помощью электронных средств связи или факса.

2. Центральными органами являются:

для Республики Узбекистан — Генеральная прокуратура Республики Узбекистан;

для Республики Казахстан — Генеральная прокуратура Республики Казахстан.

3. Каждая Сторона информирует по дипломатическим каналам другую Сторону о любых изменениях, связанных с центральными органами, или о передаче их функций другим органам.

### **Статья 4** **Основание для передачи осужденного**

Основанием для начала процедуры передачи осужденного Стороне, гражданином которой он является, служит заявление этого лица или его законного представителя, направленное центральному органу любой из Сторон.

### **Статья 5** **Запросы и ответы о передаче осужденного и необходимые документы**

1. Запросы о передаче осужденного и ответы на них составляются в письменной форме и направляются центральными органами Сторон.

В запросе содержатся сведения о личности осужденного (фамилия, имя, отчество (если имеется), дата и место рождения), наименование статьи уголовного закона, за которое лицо осуждено, и копия документа, подтверждающего гражданство осужденного.

2. Запросы о передаче осужденного и ответы на них, а также прилагаемые к ним документы должны быть заверены подписью и скреплены гербовой печатью.

3. Запрос о передаче осужденного может быть сделан любой из Сторон. Запрашиваемая Сторона должна оперативно уведомить запрашивающую Сторону о своем решении.

4. В случае поступления запроса о передаче осужденного одной Стороны и если другой Стороной в ней не отказано, Сторона вынесения приговора предоставляет Стороне исполнения приговора следующие документы и сведения:

а) копию судебного решения, вступившего в законную силу, включая соответствующие положения закона, на которых оно основано;

б) сведения, указывающие вид и срок наказания, а также дату его исчисления;

с) сведения о сроках отбытой и подлежащей отбытию частей наказания, включая сроки досудебного задержания, сведения об изменении приговора суда и иные сведения, имеющие значение для приведения приговора суда в исполнение;

д) письменное согласие осужденного или его законного представителя на передачу, которое предусмотрено в подпункте с) пункта 1 статьи 7 настоящего Договора;

е) медицинское заключение о состоянии здоровья осужденного, в том числе информация о его лечении и рекомендации о его дальнейшем лечении в Стороне исполнения приговора;

ф) сведения об особенностях поведения осужденного;

г) сведения об ущербе и его возмещении по приговору суда и другим исполнительным документам;

h) документ об исполнении дополнительного наказания, если оно было назначено.

5. Сторона исполнения приговора предоставляет Стороне вынесения приговора следующие документы:

а) сведения о личности осужденного (фамилия, имя, отчество (если имеется), дата и место рождения);

б) документ, подтверждающий гражданство осужденного;

с) выписку из соответствующего национального законодательства Стороны исполнения приговора, которая предусматривает, что деяние, в связи с которым был вынесен приговор суда в Стороне вынесения приговора, является преступлением в соответствии с национальным законодательством Стороны исполнения приговора;

д) сведения о порядке исполнения приговора суда, вынесенного Стороной вынесения приговора, по национальному законодательству Стороны исполнения приговора.

6. В случае необходимости центральные органы Сторон могут запросить дополнительные документы или сведения.

7. При исполнении настоящего Договора Стороны используют русский язык. К документам, исполненным на государственных языках Сторон, прилагаются заверенные переводы на русский язык.

## Статья 6

### Согласие осужденного и его подтверждение

1. Сторона вынесения приговора должна гарантировать, что осужденный

либо его законный представитель добровольно дают согласие на передачу с полным осознанием ее правовых последствий и подтверждают это в заявлении о согласии на передачу.

2. Сторона вынесения приговора по запросу Стороны исполнения приговора должна предоставить возможность Стороне исполнения приговора через уполномоченное лицо убедиться в том, что осужденный выразил свое согласие на передачу в соответствии с требованиями пункта 1 настоящей статьи.

3. Осужденный может подать заявление о своей передаче на том языке, которым владеет.

## **Статья 7** **Условия передачи осужденного**

1. Осужденный может быть передан в соответствии с настоящим Договором, если:

- а) осужденный является гражданином Стороны исполнения приговора;
- б) приговор суда об осуждении лица к лишению свободы вступил в законную силу;
- в) имеется письменное согласие осужденного или в случае, если осужденный в силу возраста, физического и (или) психического состояния не может свободно выразить свою волю, — согласие его законного представителя;
- г) лицо осуждено за такие деяния, которые по национальному законодательству Сторон являются преступлениями, влекущими наказание в виде лишения свободы;
- д) на момент получения заявления или запроса о передаче осужденного срок лишения свободы, который подлежит отбытию, составляет не менее одного (1) года;
- е) возмещен материальный ущерб, причиненный преступлением;
- ж) не продолжается расследование, судебное разбирательство или иные процессуальные действия в отношении осужденного лица в Стороне вынесения приговора;
- з) Стороны согласны на передачу осужденного.

2. В исключительных случаях Стороны вправе согласиться на передачу, даже если срок, подлежащий отбытию осужденным лицом, меньше, чем тот, который был указан в подпункте д) пункта 1 настоящей статьи.

## **Статья 8** **Основания для отказа в передаче осужденного**

Передача осужденного не производится, если:

- а) не соблюдены требования, перечисленные в пункте 1 статьи 7 настоящего Договора;
- б) одна из Сторон решит, что передача осужденного может нанести ущерб ее суверенитету, безопасности, общественному порядку или иным существенным национальным интересам, либо противоречит ее национальному законодательству;



- с) осужденный не выполнил какие-либо финансовые обязательства;
- д) запрашивающей Стороной надлежащим образом не выполнены требования статьи 5 настоящего Договора.

### **Статья 9** **Решение по запросу о передаче осужденного**

1. Стороны принимают решение о передаче осужденного в соответствии с настоящим Договором и своим национальным законодательством.
2. О принятом решении в письменной форме сообщается центральному органу запрашивающей Стороны или лицу, обратившемуся с заявлением о передаче осужденного.
3. В случае отказа в передаче осужденного, такое решение должно быть мотивированным.

### **Статья 10** **Защита персональных данных**

Каждая Сторона гарантирует защиту персональных данных, полученных в ходе реализации настоящего Договора, и не может передавать их третьему государству без предварительного письменного согласия другой Стороны.

### **Статья 11** **Процедура передачи осужденного**

1. В случае удовлетворения запроса о передаче осужденного компетентные органы Сторон договариваются между собой о времени и условиях передачи осужденного.
2. Процедура передачи включает составление в двух экземплярах документа о передаче осужденного, подписываемого представителями компетентных органов Сторон.
3. Процедура передачи осужденного осуществляется на узбекско-казахстанской государственной границе через пункт пропуска «Гишт-Куприк» — «Жибек Жолы».
4. В случае изменения пункта пропуска Стороны уведомляют об этом друг друга по дипломатическим каналам.

### **Статья 12** **Продолжение исполнения приговора суда**

1. Сторона исполнения приговора обязана обеспечить продолжение исполнения приговора суда Стороны вынесения приговора в полном объеме, руководствуясь своим национальным законодательством, не ухудшая положение осужденного.
2. Суд Стороны исполнения приговора принимает решение, определяя по

национальному законодательству своей Стороны такой же срок лишения свободы, как и назначенный по приговору суда Стороны вынесения приговора.

3. Если по национальному законодательству Стороны исполнения приговора за совершенное преступление предельный срок лишения свободы меньше назначенного по приговору суда Стороны вынесения приговора, суд Стороны исполнения приговора определяет максимальный срок лишения свободы, предусмотренный ее национальным законодательством за совершение такого же преступления.

4. Часть наказания, отбытая осужденным на территории Стороны вынесения приговора, засчитывается в общий срок отбывания наказания в Стороне исполнения приговора.

5. Если приговор суда Стороны вынесения приговора относится к двум или более деяниям, из которых одно или несколько не признаются преступлениями в Стороне исполнения приговора, суд этой Стороны определяет, какая часть наказания применяется к деянию, являющемуся преступлением.

6. Решение об исполнении дополнительного наказания принимается судом Стороны исполнения приговора в соответствии со своим национальным законодательством, если такое наказание за совершенное деяние предусмотрено национальным законодательством этой Стороны.

### **Статья 13**

#### **Помилование, амнистия, смягчение наказания и освобождение от дальнейшего отбывания наказания**

Каждая из Сторон вправе в соответствии со своим национальным законодательством применить в отношении переданного осужденного акт помилования, амнистии или смягчить назначенное ему наказание либо принять решение о его освобождении от дальнейшего отбывания наказания, незамедлительно уведомив об этом другую Сторону.

### **Статья 14**

#### **Сохранение юрисдикции**

1. Только Сторона вынесения приговора имеет право изменить или отменить решение, вынесенное своим судом.

2. Сторона исполнения приговора должна изменить или отменить исполнение приговора в случае получения от Стороны вынесения приговора измененного или отмененного решения.

### **Статья 15**

#### **Правовые последствия передачи осужденного**

1. Передача осужденного предполагает прекращение исполнения приговора в Стороне вынесения приговора.

2. В отношении осужденного, переданного для отбывания наказания, в

Стороне исполнения приговора наступают такие же правовые последствия осуждения, как и в отношении лиц, осужденных на территории этой Стороны за совершение такого же преступления.

3. Осужденный, переданный для исполнения приговора, не может быть вновь привлечен к уголовной ответственности на территории Стороны исполнения приговора за то же деяние.

### **Статья 16**

#### **Информирование об исполнении приговора**

Сторона исполнения приговора должна информировать Сторону вынесения приговора об исполнении приговора суда, если:

- а) исполнение приговора суда завершено;
- б) осужденное лицо скрылось из-под стражи или скончалось до окончания срока отбытия наказания;
- в) Сторона вынесения приговора запрашивает об этом информацию.

### **Статья 17**

#### **Обязательство по предоставлению информации**

1. Каждая Сторона информирует осужденных, к которым настоящий Договор может быть применен, о его существовании и содержании.

2. Осужденный или его законный представитель информируются в письменной форме об окончательном решении, принятом каждой из Сторон в связи с рассмотрением обращения о передаче.

### **Статья 18**

#### **Транзитная перевозка**

1. Каждая из Сторон при наличии соответствующего запроса о транзитной перевозке вправе разрешить транзитную перевозку по своей территории осужденного, переданного другой Стороне третьим государством.

При этом, Сторона транзита на своей территории обеспечивает принятие, содержание осужденного под стражей и этапирование до пункта приема-передачи:

для Республики Узбекистан — город Ташкент;

для Республики Казахстан — город Шымкент.

2. Сторона транзита вправе отказать в транзитной перевозке, если:

- а) осужденное лицо является ее гражданином;
- б) преступление, за совершение которого назначено наказание, не является таковым в соответствии с ее национальным законодательством.

3. В запросе о транзитной перевозке содержатся сведения, предусмотренные подпунктами а), б), е) и ф) пункта 4 статьи 5 настоящего Договора с приложением документов, предусмотренных подпунктами а), б), с) пункта 5 статьи 5 настоящего Договора.

4. Разрешение на транзитную перевозку не требуется, если используется

воздушный способ перевозки и посадка на территории Стороны транзита не предусматривается.

5. В случае незапланированной посадки воздушного судна Сторона транзита может по просьбе представителей другой Стороны, сопровождающих осужденного, содержать это лицо под стражей в течение 72 часов до получения запроса о транзитной перевозке.

6. Если в сроки, указанные в пункте 5 настоящей статьи, запрос о транзитной перевозке не получен, лицо подлежит освобождению, если Сторонами не достигнута договоренность об ином.

## **Статья 19**

### **Расходы**

1. Расходы, связанные с исполнением настоящего Договора, Стороны несут в соответствии со своим национальным законодательством и настоящим Договором.

2. Сторона исполнения приговора несет расходы:

а) связанные с перевозкой осужденного, кроме расходов, понесенных исключительно на территории Стороны вынесения приговора;

б) связанные с продолжением исполнения приговора после передачи.

3. Расходы, связанные с транзитной перевозкой осужденного, несет Сторона транзита.

## **Статья 20**

### **Действительность документов**

Для целей настоящего Договора любые документы, направленные центральным органом одной Стороны, скрепленные подписью и гербовой печатью, должны быть использованы на территории другой Стороны без какого-либо специального удостоверения.

## **Статья 21**

### **Ответственность за незаконное осуждение**

1. Ответственность за незаконное осуждение лица несет Сторона вынесения приговора.

2. Возмещение ущерба, причиненного незаконным осуждением, осуществляется Стороной вынесения приговора.

## **Статья 22**

### **Действие во времени**

Настоящий Договор применяется для исполнения приговоров, вынесенных как до, так и после его вступления в силу.

### **Статья 23**

#### **Разрешение споров**

Споры, возникающие в связи с толкованием или применением настоящего Договора, разрешаются путем консультаций и переговоров между центральными органами Сторон.

### **Статья 24**

#### **Внесение изменений и дополнений**

По взаимному согласию Сторон в настоящий Договор могут быть внесены изменения и дополнения. Такие изменения и дополнения являются неотъемлемой частью настоящего Договора и оформляются отдельным протоколом.

### **Статья 25**

#### **Соотношение настоящего Договора с другими международными договорами**

Положения настоящего Договора не затрагивают прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

### **Статья 26**

#### **Заключительные положения**

1. Настоящий Договор подлежит ратификации и вступает в силу по истечении шести (6) месяцев с даты получения одной из Сторон последнего письменного уведомления по дипломатическим каналам о его ратификации.

2. Договор заключается на неопределенный срок. Каждая Сторона вправе прекратить действие настоящего Договора в любое время, письменно уведомив об этом другую Сторону по дипломатическим каналам. Действие настоящего Договора прекращается по истечении шести (6) месяцев с даты получения одной из Сторон письменного уведомления другой Стороны о намерении прекратить его действие.

3. Прекращение действия настоящего Договора не препятствует завершению исполнения запросов о передаче осужденных, полученных до даты прекращения его действия.

В удостоверение чего, нижеподписавшиеся, будучи должным образом на то уполномоченными, подписали настоящий Договор.

Совершено в городе Нур-Султан 6 декабря 2021 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, казахском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае расхождений между текстами настоящего Договора Стороны обращаются к тексту на русском языке.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон  
Республикаси Ҳукумати ўртасида энергия ресурсларини  
ўзбек-қозоқ божхона чегарасидан қувур транспортида ва  
электр узатиш линиялари орқали олиб ўтишни биргаликда  
божхона назоратидан ўтказиш тўғрисида  
БИТИМ**

*2021 йил 6 декабрь, Нур-Султон*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 14 ноябрдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати — кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

1999 йил 17 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Марказий Осиё давлатлари энергия тизимларининг бир вақтнинг ўзида фаолият кўрсатиши тўғрисидаги Битим, 2007 йил 2 ноябрда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида божхона ишларида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимнинг қоидаларига асосан;

1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида божхона ишларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга амал қилган ҳолда,

яқин қўшничилик алоқаларини ривожлантириш истагида ҳамда Томонлар ўртасида ҳамкорлик ўзбек-қозоқ божхона чегарасидан қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган энергия ресурсларини назорат қилиш самарадорлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишига ишонч билдириб,

ўзбек-қозоқ божхона чегарасидан қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган энергоресурсларини биргаликда назорат қилиш заруриятини англаб;

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Мазкур Битимнинг мақсадлари учун қўлланиладиган атамалар қуйидагиларни англатади:

«Томонлар давлатларининг божхона органлари»:

Ўзбекистон Республикаси учун — Давлат божхона қўмитаси;

Қозоғистон Республикаси учун — Молия вазирлигининг Давлат даромадлари қўмитаси;

«ўзбек-қозоқ божхона чегараси» — Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида божхона чегараси ҳудуди;

«ваколатли ходимлар (ишчилар)» — Томонлар божхона органлари ва уларнинг ҳудудий тузилмаларининг ходимлари (ишчилари);

«энергия ресурслари» — табиий газ ва электр энергияси;

«ҳисобот оyi» — энергия ресурсларини қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали ташиш амалга оширилган календар оyi;

«идораларнинг ваколатли вакиллари» — энергия ресурсларини қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали ташишни амалга оширадиган Томонлар идораларининг ходимлари.

Томонлар ваколатли органлар, уларнинг номлари ёки функциялари ўзгарса ёхуд қўшимча ваколатли органлар тайинланган тақдирда, бир-бирларини дарҳол бу тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қиладилар.

### **2-модда**

Томонлар, ўзбек-қозоқ божхона чегарасидан энергия ресурсларини қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали ташишда зарурият ҳамда қулай шарт-шароитлар таъминланишининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мажбуриятини оладилар.

### **3-модда**

Томонлар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган 1-иловага\* мувофиқ, ўзбек-қозоқ божхона чегарасидан қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали ташиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш мосламаларини ўрнатиш жойлари рўйхатини тасдиқладилар.

### **4-модда**

Ўзбек-қозоқ божхона чегараси орқали ташилган энергия ресурслари тўғрисида маълумот алмашинуви 2014 йил 14 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат даромадлари қўмитаси ўртасида энэргоресурсларни ташиш устидан назорат соҳасида маълумот алмашишнинг Техник шартларига мувофиқ амалга оширилади.

### **5-модда**

Томонларнинг божхона органлари мазкур Битим кучга киргандан сўнг бир ой муддат ичида энергия ресурсларини божхона декларациялари ва божхона назоратидан ўтказиш масалалари бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нусхаларини бир-бирларига тақдим қиладилар ва кейинчалик бир йилда камида бир маротаба Томонлар давлатларининг энергия ресурсларини божхона декларациялари ва божхона назоратидан ўтказишга оид божхона иши соҳасидаги миллий қонунчилигида ўзгаришлар хусусида бир-бирларини хабардор қиладилар.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

### 6-модда

1. Томонлар давлатларининг божхона органлари қуйидаги маълумотларни алмашадилар:

энергия ресурсларини божхона декларациялари ва божхона назоратидан ўтказиш масалаларидаги фаолияти бўйича ўз тажрибалари;

энергия ресурсларини олиб ўтишда божхона иши соҳасидаги Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигини бузиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш усуллари;

энергия ресурсларини олиб ўтишда божхона иши соҳасида содир этилган Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигини бузиш аниқланган ҳолатлар, башарти, ушбу маълумот божхона органлари учун қизиқиш уйғотса;

башарти, Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига зид бўлмаса, Томонлар божхона органларини қизиқтирадиган бошқа масалалар.

2. Томонлар божхона органлари энергия ресурсларини божхона декларациялари ва божхона назоратидан ўтказиш, шу жумладан, Томонлар божхона органлари ходимларини (ишчилари)нинг энергия ресурсларини божхона декларацияси ва божхона назоратидан ўтказиш бўйича ўқитиш ҳамда малакасини ошириш бўйича бир-бирларига кўмаклашадилар.

### 7-модда

Бир Томон бошқа Томон божхона органининг ваколатли ходимлари (ишчилари)га биргаликда божхона назоратини амалга ошириш мақсадида ўзбек-қозоқ божхона чегараси орқали қувур транспорти ва электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш қурилмаларига киришни таъминлайди.

Ўзбек-қозоқ божхона чегараси орқали қувур транспорти ва электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш қурилмаларига кириш тартиби Томонларнинг божхона органлари томонидан ҳамкорликда белгиланади.

### 8-модда

Томонлар мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб ўн беш календарь кун ичида мазкур Битимнинг 7 ва 9-моддаларида белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун ваколатли ходимлар (ишчилар) рўйхатини алмашадилар ва кейинчалик ушбу рўйхатлардаги барча ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини бундай ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан хабардор қиладилар.

### 9-модда

1. Божхона органларининг ваколатли ходимлари (ишчилари) ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан божхона назоратини амалга ошириш мақсадида балансида энергия ресурсларини ҳисобга



олиш бўлинмалари (қурилмалари) бўлган идоралар вакиллари билан ҳамкорликда, мазкур моддада ўрнатилган тартибда, Томонлар давлатларининг ҳудудида жойлашган электр узатиш линиялари ва қувур транспортида ташилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш қурилмаларидан кўрсаткичлар олиш бўйича ҳамкорликда тадбирлар амалга оширадилар.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳамкорликдаги тадбирни амалга оширишни ташаббус қилган бир Томоннинг божхона органи электр узатиш линиялари ва қувур транспорти орқали ташиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш қурилмаларидан кўрсаткичларни олиш режалаштирилган санадан ўн иш кун олдин, ҳудудида бундай ҳисобга олиш қурилмалари жойлашган бошқа Томон давлатининг божхона органига мазкур кўрсаткичларни олиш зарурлиги тўғрисида тегишли ёзма хабарнома юборади. Бундай хабарноманинг мазмунида Томонлар божхона органининг ҳисобга олиш қурилмаларидан кўрсаткичларни оладиган ваколатли ходимлари (ишчилари) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

3. Ҳудудида электр узатиш линиялари ва қувур транспорти орқали ташиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш қурилмалари жойлашган Томон давлатининг божхона органи хабарномани олган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмасдан хабарнома юборган божхона органига ҳисобга олиш қурилмаларига киришни таъминлашга тайёрлигини ёзма равишда тасдиқлайди.

4. Божхона органларининг ваколатли ходимлари (ишчилари) балансида энергия ресурсларини ҳисобга олиш бўлинмалари (қурилмалари) бўлган Томон идораларининг вакиллари билан биргаликда ҳисобга олиш қурилмаларига келганда:

1) ҳисобга олиш қурилмаларида берилган божхона идентификация воситаларининг бутунлигини текширадилар;

2) божхона идентификация воситаларини олиб ташлайдилар;

3) ҳисобга олиш қурилмаларининг кўрсаткичларини ёзиб оладилар;

4) кўрсаткичларни ёзиб олиш натижаларига кўра, ҳисобга олиш қурилмаларидан рухсатсиз фойдаланиш ва маълумотларни ўзгартиришнинг олдини олиш мақсадида янги божхона идентификация воситаларини ўрнатадилар;

5) мазкур Битимнинг ажралмас қисми бўлган 2-иловага\* мувофиқ шаклда қуйидаги тўрт нусхада ҳисобга олиш қурилмаларидан кўрсаткичларни ёзиб олиш, божхона идентификация воситаларини олиб ташлаш, қайта ўрнатиш тўғрисидаги далолатномаларни тузади, имзолайди ва муҳрлар билан тасдиқлайдилар:

1 нусха — Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ваколатли ходими (ишчиси) учун;

1 нусха — Қозоғистон Республикаси божхона органларининг ваколатли ходими (ишчиси) учун;

1 нусха — Ўзбекистон Республикаси идорасининг ваколатли вакили учун;

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1 нусха — Қозоғистон Республикаси идорасининг ваколатли вакили учун;

### **10-модда**

Мазкур Битим доирасида Томонларнинг божхона органлари томонидан олинган ахборотлар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотлардан Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ фақатгина мазкур Битимда белгиланган мақсадларда фойдаланилади ва уларга нисбатан қабул қилувчи давлатда ўз ҳудудида олинган шу каби ахборот, ҳужжатлар ёки маълумотлар ошкораликдан ҳимоя қилиш даражаси тақдим этилади.

Мазкур Битим доирасида Томонларнинг божхона органлари тарафидан олинган ахборотлар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш фақатгина уларни тақдим этган Томон божхона органининг ёзма розилиги ва ушбу божхона органи белгиланган ҳар қандай чекловларга амалга қилган ҳолда амалга оширилади.

### **11-модда**

Башарти, ҳар бир аниқ ҳолатда ўзгача тартиб келишилмаган бўлса, Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида келиб чиқадиган харажатларни Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигида белгиланган маблағлар доирасида мустақил равишда қоплайдилар.

### **12-модда**

Томонларнинг келишувига кўра мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

### **13-модда**

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллашда юзага келадиган низолар ҳамда келишмовчиликлар музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

### **14-модда**

Мазкур Битим Томонларнинг давлатлари иштирокчиси ҳисобланган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган Томонлардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

### **15-модда**

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомилларини бажарганликлари тўғрисида дипломатик каналлар орқали сўнги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим 5 (беш) йил муддатга тузилади ва ўз-ўзидан навбатдаги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Томонлардан ҳар бири исталган вақтда мазкур Битимни бекор қилиш нияти тўғрисида бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур Битимнинг амал қилиш муддати Томонлардан бири бошқа Томоннинг тегишли ёзма хабарномасини олганидан сўнг 6 (олти) ой ўтгач тугатилади.

Нур-Султон шаҳрида 2021 йил 6 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, козоқ ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил юридик кучга эга.

Мазкур Битимнинг матнлари ўртасида номутаносибликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

*(имзолар)*

**СОГЛАШЕНИЕ**  
**между Правительством Республики Узбекистан и**  
**Правительством Республики Казахстан о совместном таможенном**  
**контроле при перемещении энергоресурсов через узбекско-**  
**казахстанскую таможенную границу трубопроводным**  
**транспортом и по линиям электропередачи**

*Нур-Султан, 6 декабря 2021 г.*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
14 ноября 2023 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Казахстан, в дальнейшем именуемые «Стороны»,

основываясь на положениях Соглашения между Правительством Республики Казахстан, Правительством Кыргызской Республики, Правительством Республики Таджикистан и Правительством Республики Узбекистан о параллельной работе энергетических систем государств Центральной Азии от 17 июня 1999 года, Соглашения между правительствами государств-членов Шанхайской организации сотрудничества о сотрудничестве и взаимопомощи в таможенных делах от 2 ноября 2007 года,

руководствуясь Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о сотрудничестве в таможенных делах от 31 октября 1998 года,

желая развивать добрососедские отношения и полагая, что сотрудничество между Сторонами позволит создать благоприятные условия для повышения эффективности контроля за энергоресурсами, перемещаемыми через узбекско-казахстанскую таможенную границу трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи,

признавая необходимость совместного таможенного контроля при перемещении энергоресурсов через узбекско-казахстанскую таможенную границу трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

Для целей настоящего Соглашения применяемые термины означают:

«таможенные органы государств Сторон»:

для Республики Узбекистан — Государственный таможенный комитет;

для Республики Казахстан — Комитет государственных доходов Министерства финансов;

«узбекско-казахстанская таможенная граница» — участок таможенной границы между Республикой Узбекистан и Республикой Казахстан;

«уполномоченные сотрудники/работники» — сотрудники/ работники таможенных органов Сторон и их территориальных подразделений;

«энергоресурсы» — природный газ и электрическая энергия;

«отчетный месяц» — календарный месяц, в котором осуществлено перемещение энергоресурсов по линиям электропередачи и трубопроводным транспортом;

«уполномоченные представители ведомств» — работники ведомств Сторон, осуществляющих перемещение энергоресурсов трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи.

Стороны незамедлительно уведомляют друг друга в письменной форме по дипломатическим каналам в случае изменения компетентных органов, их наименований либо функций или назначения дополнительных компетентных органов.

## Статья 2

Стороны, исходя из необходимости и экономической целесообразности обеспечения благоприятных условий для перемещения энергоресурсов через узбекско-казахстанскую таможенную границу трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи, обязуются создавать благоприятные условия для развития дальнейшего сотрудничества.

## Статья 3

Стороны утвердили перечень мест установки приборов учета энергоресурсов, перемещаемых через узбекско-казахстанскую таможенную границу трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи, согласно Приложению 1\* к настоящему Соглашению, являющемуся его неотъемлемой частью.

## Статья 4

Обмен информацией об энергоресурсах, перемещенных через узбекско-казахстанскую таможенную границу, осуществляется в соответствии с Техническим условием обмена информацией в области контроля за перемещением энергоресурсов между Государственным таможенным комитетом Республики Узбекистан и Министерством финансов Республики Казахстан от 14 декабря 2014 года.

## Статья 5

В течение месяца после вступления в силу настоящего Соглашения таможенные органы Сторон передают друг другу копии действующих нормативных правовых актов по вопросам таможенного декларирования и таможенного контроля за энергоресурсами и в дальнейшем, не реже одного раза в год, информируют друг друга обо всех изменениях национального законодательства государств Сторон в сфере таможенного дела, в части таможенного декларирования и таможенного контроля за энергоресурсами.

---

\* Приложение № 1 опубликовано в «Национальной базе данных законодательства».

## Статья 6

1. Таможенные органы Сторон обмениваются информацией:
  - об опыте своей деятельности в вопросах таможенного декларирования и таможенного контроля за энергоресурсами;
  - о способах выявления и пресечения нарушений национального законодательства государств Сторон в сфере таможенного дела при перемещении энергоресурсов;
  - о выявленных фактах нарушений национального законодательства государств Сторон в сфере таможенного дела при перемещении энергоресурсов, если эта информация представляет интерес для таможенных органов;
  - по другим вопросам, представляющим интерес для таможенных органов Сторон, если это не противоречит национальному законодательству государств Сторон.
2. Таможенные органы Сторон оказывают друг другу помощь по вопросам таможенного декларирования и таможенного контроля за энергоресурсами, включая обучение и совершенствование навыков сотрудников/работников таможенных органов Сторон по вопросам таможенного декларирования и таможенного контроля за энергоресурсами.

## Статья 7

Для осуществления совместного таможенного контроля одна Сторона обеспечивает доступ уполномоченным сотрудникам/работникам таможенного органа другой Стороны к приборам учета энергоресурсов, перемещаемых через узбекско-казахстанскую таможенную границу трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи.

Порядок доступа к приборам учета энергоресурсов, перемещаемых через узбекско-казахстанскую таможенную границу трубопроводным транспортом и по линиям электропередачи, будет совместно определяться таможенными органами Сторон.

## Статья 8

В течение пятнадцати календарных дней со дня подписания настоящего Соглашения Стороны обмениваются списками уполномоченных сотрудников/работников для осуществления деятельности, определенной статьями 7 и 9 настоящего Соглашения, и в дальнейшем будут информировать друг друга обо всех изменениях в этих списках не позднее десяти рабочих дней со дня внесения таких изменений.

## Статья 9

1. Уполномоченные сотрудники/работники таможенных органов Сторон совместно с представителями ведомств Стороны, на балансе которой находятся узлы (приборы) учета энергоресурсов, в целях осуществления тамо-

женного контроля ежемесячно, не позднее 10 числа месяца, следующего за отчетным месяцем, производят совместные мероприятия по снятию показаний с приборов учета перемещаемых по линиям электропередачи и трубопроводного транспорта энергоресурсов, расположенных на территориях государств Сторон в порядке, установленном настоящей статьёй.

2. Таможенный орган Стороны, инициирующий проведение совместных мероприятий, указанных в пункте 1 настоящей статьи, за десять рабочих дней до даты планируемого снятия показаний с приборов учета перемещаемых по линиям электропередачи и трубопроводного транспорта энергоресурсов, направляет соответствующее письменное уведомление в таможенный орган другой Стороны, на территории государства которого находятся такие приборы учета, о необходимости снятия указанных показаний. Содержанием такого уведомления указываются сведения об уполномоченных сотрудниках/работниках таможенного органа Стороны, которыми будет осуществляться снятие показаний с приборов учета.

3. Таможенный орган Стороны, на территории государства которого находятся приборы учета перемещаемых по линиям электропередачи и трубопроводного транспорта энергоресурсов, не позднее пяти рабочих дней со дня получения уведомления, письменно подтверждает таможенному органу направившей уведомление Стороны, о готовности обеспечения доступа к приборам учета.

4. По прибытию к приборам учета уполномоченные сотрудники/работники таможенных органов совместно с представителями ведомств Стороны, на балансе которой находятся узлы (приборы) учета энергоресурсов:

1) проверяют целостность наложенных таможенных средств идентификации на приборах учета;

2) удаляют таможенные средства идентификации;

3) снимают показания приборов учета;

4) по результатам снятия показаний, в целях предотвращения несанкционированного доступа и изменения информации в приборах учета, налагают новые таможенные средства идентификации;

5) составляют, подписывают и заверяют печатями акты о снятии показаний с приборов учета, об удалении, повторном наложении таможенных средств идентификации на указанных приборах учета по форме, согласно Приложению 2\* к настоящему Соглашению, являющемуся его неотъемлемой частью в четырех экземплярах:

1 экземпляр — для уполномоченного сотрудника/работника таможенных органов Республики Узбекистан;

1 экземпляр — для уполномоченного сотрудника/работника таможенных органов Республики Казахстан;

1 экземпляр — для уполномоченного представителя ведомства Республики Узбекистан;

1 экземпляр — для уполномоченного представителя ведомства Республики Казахстан.

---

\* Приложение № 2 опубликовано в «Национальной базе данных законодательства».

**Статья 10**

Информация, документы и другие сведения, полученные таможенными органами Сторон в рамках настоящего Соглашения, используются исключительно для целей, определенных настоящим Соглашением, в соответствии с национальным законодательством государств Сторон, и им предоставляется в получающем государстве такая же степень защиты от огласки, как и подобной информации, документам или сведениям этого государства, полученным на его собственной территории.

Использование информации, документов и других сведений, полученных таможенными органами Сторон в рамках настоящего Соглашения, в иных целях производится только с письменного согласия таможенного органа Стороны, их предоставившей, и при условии соблюдения любых ограничений, установленных этим таможенным органом.

**Статья 11**

Стороны самостоятельно несут расходы, которые будут возникать в ходе выполнения ими настоящего Соглашения, в пределах средств, предусмотренных национальным законодательством государств Сторон, если в каждом конкретном случае не будет согласован иной порядок.

**Статья 12**

По согласию Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемыми частями настоящего Соглашения.

**Статья 13**

Споры и разногласия по разъяснению и применению положений настоящего Соглашения решаются путем переговоров и консультаций.

**Статья 14**

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств каждой из Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются их государства.

**Статья 15**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления по дипломатическим каналам о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение заключается сроком на 5 (пять) лет и автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды.



Каждая из Сторон в любое время может направить другой Стороне письменное уведомление по дипломатическим каналам о своем намерении прекратить действие настоящего Соглашения. В таком случае настоящее Соглашение прекратит свое действие через 6 (шесть) месяцев после получения одной из Сторон соответствующего письменного уведомления другой Стороны.

Совершено в городе Нур-Султане 6 декабря 2021 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, казахском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую юридическую силу.

В случае возникновения расхождений между текстами настоящего Соглашения, Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея  
Республикаси Ҳукумати ўртасида иқлим ўзгариши  
бўйича ҳамкорлик тўғрисида  
ҲАДЛИ БИТИМ**

*Тошкент, 2023 йил 1 июнь*

*(2023 йил 23 ноябрдан кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан  
давлат реестрида 4509-CN-2023-Н тартиб рақами билан  
рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Иқлим ўзгариши ва унинг салбий оқибатлари инсониятнинг умумий ташвиши эканлигини эътироф этиб, шошилинич ва биргаликда чора кўришнинг зарурлигини англаган ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси (кейинги ўринларда «Конвенция» деб аталувчи) ва Конвенцияга 2012 йил 8 декабрда сўнгги таҳрирда киритилган ҳамда Конвенция қоидаларини имплементация қилишда муҳим рол ўйнаган Киото протоколининг иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича халқаро саъй-ҳаракатлар учун мустаҳкам асос яратишини таъкидлаган ҳолда,

2020 йилдан кейинги даврда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш бўйича томонларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларини амалга оширишда марказий рол ўйнайдиган Париж Битимини имплементация қилишнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда,

**қуйидагилар юзасидан келишиб олдилар:**

**1-модда**

**Мақсад**

1. Мазкур Ҳадли Битимнинг мақсади (кейинги ўринларда — Битим) Томонларнинг иссиқхона гази ташланмаларини камайтириш ва/ёки бартараф қилиш ҳамда иқлим ўзгаришининг салбий таъсирига мослашиш салоҳиятини мустаҳкамлаш ва шу орқали Томонларнинг паст углеродли ҳамда иқлимга чидамли иқтисодиётга ўтишини осонлаштиришдан иборат.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ушбу Битим Томонлар тарафидан келишилган ҳамкорлик фаолияти орқали ўзаро манфаатли ва кенг қамровли шерикликни ўрнатишга қаратилган.

**2-модда**

**Ҳамкорлик соҳалари**

Мазкур Битимдан кўзланган мақсадларга эришиш учун Битим қуйидаги ҳамкорлик соҳаларини ўз ичига олиши мумкин:

а) иссиқхона газы ташланмаларини ҳамкорликнинг истиқболли тармоқларида, жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, энергетика, саноат, транспорт, қурилиш, чиқиндиларни бошқариш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларида камайтириш ва/ёки бартараф қилиш;

б) Париж Битимининг 6-моддасида белгиланган ихтиёрий ҳамкорликдан фойдаланиш ва миллий кадастрларни мониторинг қилиш, улар бўйича ҳисобот бериш ва текшириш (МРВ) бўйича салоҳиятни ошириш;

с) мослашиш стратегияларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда иқлим ўзгаришига мослашиш салоҳиятини ошириш;

д) иқлим билан боғлиқ фан ва технологиялар соҳасида, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, моделлаштириш, прогнозлаш ва кузатиш, иқлим технологияларини ишлаб чиқиш ва алмашишда ҳамкорликни амалга ошириш; ва

э) Томонларнинг ўзаро келишуви асосида метан ташланмаларини қисқартириш, адолатли энергетик ўтиш, яшил инвестицияларни рағбатлантириш, иқлимга чидамли қишлоқ хўжалиги ва шаҳарларни барқарор режалаштириш каби иқлим билан боғлиқ ҳаракатларни илгари суриш бўйича бошқа ҳамкорлик соҳалари.

### **3-модда** **Ҳамкорлик фаолияти**

Мазкур Битимнинг 2-моддасида белгиланган соҳалардаги ҳамкорлик фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) иқлим ўзгариши бўйича экспертлар, тадқиқотчилар, олимлар ва ҳукумат амалдорлари ўртасидаги алмашувларни амалга ошириш, шу билан бирга, уларнинг малакасини оширишда тренинглар ўтказиш имкониятларини яратиш;

б) салоҳиятни ошириш, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, Париж Битимининг 6-моддасида белгиланган ихтиёрий ҳамкорликни, мониторинг, ҳисобот бериш ва текширув, мослашиш стратегиялари, хавфсизлик ҳамда техник тартибга солиш соҳаларида;

с) икки Томоннинг миллий миқёсда белгиланган ҳиссаларига (ММБХ) эришиш учун фойдаланиладиган иссиқхона газы ташланмаларини қисқартириш натижаларининг ҳосил бўлишига олиб келувчи давлат ва хусусий лойиҳалар ва/ёки дастурларни илгари суриш;

д) иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларининг олдини олиш учун мослашиш ҳаракатларини амалга ошириш; ва

э) Томонларнинг ўзаро келишиб олиши мумкин бўлган ҳамкорликни илгари суриш бўйича бошқа фаолиятларни амалга ошириш.

### **4-модда** **Париж Битими доирасида ихтиёрий ҳамкорлик**

1. Томонлар тан оладиларки, Париж Битимининг 6-моддасида белгиланганидек, Томонлар ўртасидаги ихтиёрий ҳамкорлик уларнинг юмшатиш ва

мослашиш ҳаракатларида юқори амбицияларга эришишни ҳамда барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитнинг яхлитлигини рағбатлантиради.

2. Томонлар мазкур Битимнинг 3(б) ва 3(с)-моддаларида назарда тутилганидек, Париж Битимининг 6-моддасида белгиланган ихтиёрий ҳамкорлик салоҳиятидан фойдаланишга интиладилар, бунда юмшатиш натижаларидан фойдаланиш мазкур Битимнинг 6-моддасида белгиланган Қўмита тарафидан кўриб чиқилиши кераклигини назарда тутлади.

3. Томонларнинг ихтиёрий ҳамкорлиги асосида мазкур Битимнинг 6-моддасида белгиланган Қўмита тарафидан тасдиқланган юмшатиш натижалари ҳар бир Томоннинг миллий миқёсда белгиланган ҳиссаларини амалга ошириш ва уларга эришиш учун фойдаланишлари мумкин ва бу ҳолда ППариж Битимининг 6-моддаси 2-бандида назарда тутилган тегишли тузатиш киритилади.

4. Томонлар Париж Битимининг 6-моддаси 2-бандига мувофиқ ҳар бир Томоннинг миллий миқёсда белгиланган ҳиссаларига нисбатан қўлланиладиган юмшатиш натижаларидан бошқа халқаро юмшатиш мақсадлари учун фойдаланмайдилар.

5. Юмшатиш натижаларини тақсимлаш иштирокчиларнинг ихтиёрий ҳамкорликка қўшган ҳиссаларини, жумладан, инвестицияларнинг нисбатларини ҳисобга олган ҳолда, иштирокчилар ўртасидаги келишув билан белгиланади. Томонлар келишган тақдирда, таъсирни юмшатиш натижаларини тақсимлаш мазкур Битимнинг 6-моддасида кўрсатилган Қўшма қўмита томонидан тасдиқланади.

### **5-модда**

#### **Фан ва технология соҳасидаги ҳамкорлик**

1. Томонлар мазкур Битимнинг 2(д)-моддасида белгиланган иқлим билан боғлиқ фан ва технология соҳасидаги ҳамкорлик икки Томонга ҳам иссиқхона газлари таъсирини юмшатиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш технологияларига асосланган иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва уларнинг ММБХларини бажариш имконини бериши мумкинлигини тан оладилар.

2. Томонлар технологик инновациялар салоҳиятини ошириш ва икки мамлакатнинг тегишли саноат тармоқларини рағбатлантириш мақсадида, мазкур Битимнинг 3-моддасида белгиланган тадбирлар орқали технологик ҳамкорлик салоҳиятидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

### **6-модда**

#### **Қўшма қўмита**

1. Мазкур Битимни амалга оширишга кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш учун Томонлар Иқлим ўзгариши соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмитани (кейинги ўринларда — Қўмита) тузадилар ва у ҳар бир Томон тарафидан тайинланган вакиллардан ташкил топади.

2. Қўмита йиғилишлари йилига бир марта навбатма-навбат Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасида, ўзаро келишилган жойда ва санада

ўтказилади. Қўмита мажлисларининг вақти томонларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

3. Қўмита Томонлар тарафидан биргаликда ишлаб чиқилган иш режаларини маслаҳатлашувлар ва кўриб чиқишлар орқали тасдиқлайди.

4. Қўмита тавсиялар ва қарорлар қабул қилиш орқали, жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, ушбу Битимнинг 3-моддасида кўрсатилган фаолиятларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни рағбатлантиради.

5. Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш учун бундай гуруҳлар зарур деб қарор қилган тақдирда, Қўмита қошида ҳамкорликнинг айрим йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларни, жумладан, Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича кичик қўшма қўмита ва/ёки Бозор механизмлари бўйича кичик қўшма қўмита ташкил этишга келишиб олишлари мумкин.

6. Юқоридаги 5-бандда баён этилган Бозор механизмлари бўйича кичик қўшма қўмита атроф-муҳит дахлсизлигини таъминлаш, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, қуйидаги элементларни қамраб олган ҳолда, Томонларнинг ММБХ ёки бошқа юмшатиш мақсадлари учун ўтказилган ва ишлатилган юмшатиш натижалари икки марта ҳисобга олинишининг олдини олиш мақсадида мазкур Битимнинг 4-моддасида назарда тутилган ихтиёрий ҳамкорлик қоидалари ва усулларини белгилайдилар ва келишиб оладилар:

а) рўйхатдан ўтказиш, шу жумладан, ҳар бир Томонга тақдим этиладиган тегишли ҳужжатлар;

б) юмшатиш натижаларини тақсимлаш;

с) мониторинг ва текширув;

д) юмшатиш натижаларини узатиш;

э) реестр;

ф) тегишли тузатишлар; ва

г) ҳисобот, шу жумладан, дастлабки ҳисоботлар, йиллик маълумотлар ва 6-моддага мувофиқ мунтазам маълумот ва Париж Битимининг 13-моддасига мувофиқ икки йилда бир марталик шаффофлик ҳисоботлари.

### **7-модда**

#### **Нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик**

1. Томонлар ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракат қиладилар, жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, икки давлат компаниялари, инвесторлари, илмий-тадқиқот институтлари, университетлари ва ижтимоий ташкилотлари ўртасида.

2. Томонлар компаниялар, инвесторлар, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва ижтимоий ташкилотлар каби нодавлат субъектлар билан иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилишда яхшироқ имкониятларга эга бўлишлари учун алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қиладилар.

### **8-модда**

#### **Тўлдирувчи қоидалар**

1. Мазкур Битим доирасидаги икки томонлама ҳамкорликка қўмаклашиш

мақсадида Томонлар зарур ҳолларда вазирликлар ёки бошқа давлат органлари ўртасида қўшимча келишувлар тузишни рағбатлантиришлари мумкин.

2. Бундай қўшимча келишувлар ҳамкорликнинг алоҳида шакллари, амал қилиниши керак бўлган тартиблар ва бошқа тегишли масалалар, жумладан, ҳар бир мамлакатнинг амалдаги миллий қонунлари ва қоидаларига мувофиқ интеллектуал мулк ҳуқуқларига оид қоидаларни ўз ичига олиши мумкин.

### **9-модда**

#### **Харажатлар ва ёрдам**

1. Томонлар мазкур Битим бўйича ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни тенг асосда, ресурслар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ва ҳар бир мамлакатнинг амалдаги миллий қонунлари ва қоидаларига мувофиқ қоплайдилар.

2. Ҳар бир Томон бошқа Томонга мазкур Битим бўйича ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли ёрдамни кўрсатиши мумкин.

### **10-модда**

#### **Бошқа шартномаларга боғлиқлик**

1. Мазкур Битим қоидалари Томонларнинг иқлим ўзгаришига оид тегишли халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларига дахл қилмайди.

2. Мазкур Битимнинг 8-моддасида кўрсатилган қўшимча келишувлар ҳар бир мамлакатнинг тегишли миллий қонунлари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

### **11-модда**

#### **Низоларни ҳал қилиш**

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки амалга оширишдан келиб чиқадиган ҳар қандай низо Томонлар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали ҳал қилинади.

### **12-модда**

#### **Битимнинг кучга кириши**

Томонлар дипломатик каналлар орқали мазкур Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар. Мазкур Битим сўнгги хабарнома олинган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин кучга киради.

### **13-модда**

#### **Ўзгартириш киритиш**

Мазкур Битимга исталган вақтда Томонларнинг ўзаро ёзма розилиги би-

лан ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Томонлар тарафидан келишилган ҳар қандай тузатишлар мазкур Битимнинг 12-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

#### **14-модда** **Битимнинг тугатилиши**

1. Мазкур Битим 5 (беш) йил муддат давомида амал қилади, агар томонлардан бири бошқа томонни ушбу шартномани тугатиш нияти ҳақида ёзма равишда хабардор қилмаса, кейинги 5 (беш) йиллик даврга узайтирилиши мумкин.

2. Ҳар бир Томон исталган вақтда Мазкур Битимни бекор қилиш тўғрисидаги қарори ҳақида ёзма равишда дипломатик каналлар орқали бошқа Томонга хабар бериши мумкин. Ушбу Битимнинг бекор қилиниши бошқа Томон тарафидан хабар қабул қилинган кундан бошлаб 3 (уч) ой ўтгач, кучга киради, агарда келишувга асосан шартномани бекор қилиш муддати ундан олдинроқ кўрсатилмаган бўлса.

3. Мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугаши ёки бекор қилиниши, башарти Томонлар тарафидан ўзаро бошқача келишиб олинмаган бўлса, ушбу битим бўйича давом этаётган ҳар қандай ҳамкорлик фаолиятининг яқунланишига таъсир қилмайди.

УШБУНИ ТАСДИҚЛАГАН ҲОЛДА, ўзларининг тегишли Ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколатланган қўйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июнь, санасида, икки нусхада, ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир тенг аутентикдир.

Мазкур Битимни талқин этишда тафовутлар юзага келган ҳолларда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ  
ТЎПЛАМИ  
СБОРНИК  
МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Расмий нашр  
Официальное издание*

**Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник  
международных договоров Республики Узбекистан. 3-4 (79-80)-сон, 2023 й.  
— 72 б.**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023 й.

***Таҳрир ҳайъати:***

*Кличев Хаётжон Одилович  
Абдуллаев Шерзод Комилович*

***Компьютерда саҳифаловчи:***

*Қурбонбоев Шерзод Шамуратович*

---

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.  
100060, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.  
тел.: (71) 233-38-08, (71) 233-28-18.

---

Бичими 70x108 1/16.,  
Ҳажми 4,5 б.т. Индекс: 949.

---